

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ

ИНСТИТУТИ

“КИНО, ТВ ВА РАДИО САНЪАТИ” ФАКУЛТЕТИ

“МУСИҚАЛИ, ДРАМАТИК ТЕАТР ВА КИНО САНЪАТИ” КАФЕДРАСИ

ВА

“ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ

“5111000-КАСБ ТАЪЛИМ (АКТЁРЛИК САНЪАТИ) ЙЎНАЛИШИ”

ДАК раиси

**Педагогика фанлари доктори,
профессор Ходжаев Бекзод
Худойбердиевич**

Кафедра мудири

**Педагогика фанлари номзоди
М.Л.Абдужаббарова**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ёшларни миллий руҳда тарбиялашда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”
асарининг тарбиявий аҳамияти

Бажарди: “Касб таълими: актёрлик санъати” таълим йўналиши 4-курс талабаси

Ҳамиджонова Зулҳумор

Илмий раҳбар: “Муסיқали, драматик театр ва кино санъати” кафедраси
катта ўқитувчиси **М.Ҳамроева**

Мазкур битирув малакавий иши кафедранинг 2018-йилдаги “__” сонли йиғилишида муҳокама
қилинган ва ҳимояга тавсия этилган

Тошкент – 2018

МУНДАРИЖА.

Кириш.....	5
I БОБ. Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида.....	13
1.1. Ёш авлодни эстетик тасаввурларини шакллантиришда ва уларнинг маънан юксак инсонлар бўлиб етишишида педагогиканинг ўрни.....	13
1.2. Чўлпоннинг ижодий йўли.....	32
II-БОБ . Ёшларни миллий руҳда тарбиялашда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарининг тарбиявий аҳамияти.....	46
2.1. Ёшларнинг ўзлигини таниб билим олиши, маърифатга интилишида Чўлпон асарларининг ўрни.....	46
2.2. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридаги образларнинг психологикталқини.....	52
Хулоса	66
Фойдаланилган адабиётлар.....	74

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги: Республикамининг мустақилликни қўлга киритиши, ижтимоий-сиёсий соҳада бўлганидек, маънавий-маданий ҳаётимизда ҳам бутунлай янги саҳифа очди. Тарихимизга тегишли маълумот ва ҳодисаларни нотўғри таҳлил қилиш, маҳаллий халқ зиёлиларининг фаолиятини ноҳолис баҳолаш барҳам топди. Айниқса, ўтган аср бошларида ўлкамиз миқёсида авж олган жаҳидчилик ҳаракати вакиллари ҳисобланган кўплаб атоқли маърифатпарварлар хотирасининг истиқлол йилларида қайта тикланиши, қатағон қилинган шахслар номининг оқланиши маънавият соҳасидаги буюк ўзгаришларнинг яққол кўриниши бўлди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов жаҳидлар фаолиятига куйидагича баҳо берган эдилар: “Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам”.¹

Мен битирув малакавий ишимда ўзбек театрининг пойдеворига таъмал тошини қўйган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза ваўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийлар билан бир даврда яшаб, ўз ижоди билан ўзбек китобхонлари ва театр томошабинларининг қалбидан чуқур ўрин олган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиб, унинг “Кеча ва кундуз” романини таҳлили устида тўхталиб ўтамиз. Бу асарнинг ёшларни миллий руҳда тарбиялашдаги тарбиявий аҳамиятини ўрганиб чиқамиз.

Чўлпон ўзининг ҳар бир асарида, мақолаларида ўз халқини маърифатли бўлишга чорлайди. Ёзувчи ўзининг “Адабиёт надур?” мақоласида ҳам

¹Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. –Т.:Ўзбекистон, 7-жилд, 1999; 1.135-бет.

Туркистоннинг келажаги хақида қайғуради, халқнинг келажagini таъминлайдиган омиллар тўғрисида мулоҳаза юритади. Чўлпон ёзади: “Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қаро кирлар ила хиралашган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса, миллат яшар: адабиёт гулламаган ва адабиётнинг тараққийсига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун хиссиётидан, ўйдан фикран маҳрум қолиб, секин, секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас.”² Чўлпон ёш бўлишига қарамасдан, фақат ижоди орқали эмас, амалий фаолияти орқали ҳам ҳаётда маърифат нурларини кенгроқ ёйишга ҳаракат қилади.

Биз театр санъати тарихига назар соладиган бўлсак, унинг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалишини кўрамиз. Ғарбий Европада такомиллашган бу санъат тури кейинчалик Шарқ мамлакатларига ҳам етиб келади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонга келган Озарбайжон, Татар, Рус ва бошқа миллат театр труппалари Овropача театр кўринишини олиб келишди. Янги санъат тури маҳаллий зиёлиларини қизиқтириб қўйди. “Жадидчилар” ҳаракати аъзолари бу янги санъат тури орқали халқ онгини юксалтириш, маърифат ва зиё тарқатиш, халқнинг маънавияти, маданиятини ривожлантириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилишди. Бу изланишлар натижасида ўзбек театр санъати ўзининг янги даврини бошлади. Ўз маҳоратларини кўча томошалари-ю, сайилгоҳларда кўрсатаётган сайёр труппалар, масхарабозлар, аскиячи-қизиқчилар, қўғирчоқбозлар ўз уйинларини такомиллаштира бошлашади. Улар европа сайёр театр труппаларидан андоза олиб аста-секинлик билан театр труппаларига бирика бошлашади.

²Ҳасанов М. Ва Аҳмедов С. Эрк куйчиларидан бири. Адабиёт ва санъат. Мақолалар тўплами. Т. 1988, 135-б.

1914 йилда ўлкамизда биринчи миллий театр труппасининг ташкил топишида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби янгиликка интилувчи жадинчилар туради. Бу ҳаракатнинг асосчилари асосан жадинчилар бўлиб улар ўз халқининг сиёсий онгини ўстириш учун, уларни янгиликка, маданиятга, маънавиятга йўналтириш учун театр жуда зарур эканлигини англаб етишган эди. Театр томошалари орқали халқнинг онгига таъсир этиб уларни маънавиятини юксалишига ўз ҳиссаларини қўшиш уларнинг олий мақсадларидан бири эди. Театр санъатини ривожлантиришга ва бадиий адабиётимизнинг равнақига ўз ҳиссаларини қўшган мана шундай етук намоёндалар қаторида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам бор эди.

Чўлпонни театрга бўлган қизиқишини ва шу йўлда чеккан заҳматини, Маннон Уйғур билан елкадош бўлиб театр санъатига қўшган ҳиссасини Профессор Тошпўлат Турсуновнинг “Саҳна ва замон” китобида берилган “Чўлпон дастхатининг тарихи” номли мақоласидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Театршунос олим Чўлпоннинг “Мен севган азаматлар” мақоласини топиб олгани ва бу мақоланинг қисқача мазмуни билан ўқувчиларни таништиришга қарор қилганини ёзади: “Ҳамза номли театр тузилишида бир оз аралашиб қолганим учун бугун ўзимни энг бахтли кишилардан санайман” деб камтарлик билан ёзаётган Чўлпон, 1921 йилда театрнинг директори, кейин адабий эмакдоши, муаллифи, етакчи таржимони, барча ижодий изланишларнинг шериги, тарғиботчиси сифатида умрининг охиригача театр билан бирга бўлди. У Маннон Уйғурнинг ҳамфикри, театр жамоасининг дўсти, ҳар бир актёр ва режиссёрнинг ижодини яқиндан биладиган тенгсиз мухлиси эди.

Энди қўлёманинг матнига келсак, бу ерда муаллиф ўзи ёзгандай, 1927 йилдан 1934 йилгача кечган даврдаги актёрларнинг бадиий талқин санъати хусусида сўз юритмоқчи бўлсада, аслида, театр аъзоларининг 1924 йилдан

эътиборан, Москва театр студиясида яратган етакчи спектакллари хақида бебаҳо маълумотларни беради.”³

XX аср адабиёти – кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихининг “олтин” даврларидан биридир. Шу даврда миллий адабиётимиз Шарқ хусусан, ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириш билан бир каторда рус ва жаҳон адабиётининг бадиий тажрибаларини ҳам ўзлаштирган ҳолда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ана шу жараёнда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат сингари ёзувчилар билан бирга Чўлпон ҳам ўзбек шеър тузилишини ислоҳ қилибгина қолмай, Абдулла Қодирий асос солган миллий романчилик мактабини рус ва Европа романнависларининг бадиий тажрибалари билан бойитди. Ўзбек драматургиясининг шаклланишига катта ҳисса қўшиб, миллий театр санъатига, замонавий таржима мактабига асос солувчилардан бири бўлди. Айти пайтда у ўз ижоди билан турмушнинг машаққатли сўқмоқларида мудраб яшаётган халқни уйғонишга, уларни ўзлигини англашга чақирди. У шеърятдан ташқари драматургия йўналишида ҳам ижод қилиб бир қанча сахна асарларини яратди. Чўлпон ана шундай фазилатлари, серқирра ижоди билан ҳозиргача адабиётшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов, Аҳмад Алиев, Шерали Турдиев сингари олимлар адибнинг машаққатли ижод йўлини диққат-эътибор билан ўрганиб келишди ва ўрганишмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларининг илк кунлариданоқ театр санъатига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Биринчи Президентимиз И. Каримов томонидан 1998 йил 26 – март куни қабул қилинган “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони тарбия ўчоғи бўлган театр соҳасининг янада юксалишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

³Турсунов Т. Саҳна ва замон. Т. Янги аср авлоди. 2007. 334-б.

Баркамол авлодни тарбиялаш инсоният олдида турган муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишда, эркин, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, баркамол авлод тарбиясига “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ қилиш масаласига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. “Таълим – тарбия ислохоти тўғрисида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин; бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак.”⁴, - деб таъкидланганлар биринчи Президентимиз Ислам Каримов. Таълимни тарбиядан ажратмаган ҳолда узвий олиб бориш сиёсати бугунги бутун дунё глобаллашуви даврида айниқса аҳамиятлидир. Бу борада санъат ва маданият соҳасида олиб борилаётган ишлар жамият ҳаётини юксалтириш, ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият қаратишга йўналтирилган.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантиришда ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.”⁵ деган сўзларидан шуни англашимиз мумкинки, инсон тарбияни энг аввало ўз оиласидан олади. Ота-оналарнинг билимли ва маънавиятли экани ўсиб келаётган ёш авлод учун муҳим эканлигини таъкидлайди.

Мустабид тузум даврида халқ орасидаги билмсизликка барҳам бериш, ўзбек халқи зиёли бўлиб, миллат сифатида ўзлигини таниши учун бор кучини, билимини керак бўлса жонини аямаган жонқуяр жадиждчилар қатори Чўлпон ҳам жуда кўп шеърлари, драмалари орқали маърифатпарвар адиб сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Мен, битирув малакавий ишимда Чўлпон қаламига мансуб бўлган “Кеча ва кундуз” асарининг таҳлили ҳақида баҳоли қудрат фикр билдираман. Бу асарда оддий халқнинг ночор аҳволи, мустабид тузум даврида оқ подшо

⁴И.А.Каримов “Баркамол авлод- Ўзбекистон траққиётининг пойдевори”. Т. Шарқ наш. 1997 йил, 9-б.

⁵ И.А.Каримов “Юксак маънавият- енилмас куч”. Т. Маънавият, 2008 йил, 52-б.

ноибларининг ерлик аҳолига ўтказган зулми, ўз халқини ёруғ кунларга етакламоқ истагидаги жадижди ёшларнинг ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Адиб бу асари билан ҳар бир даврда ҳам билмсизлик жамият учун ўта хавфли эканлигини, ёш авлодларни имкони борича билим олишга четдан кириб келаётган ёт ғояларга алданиб қолмасликка ундайди.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси: Чўлпоннинг ижодини ўрганиш, тадқиқ қилиш, адабий таълимда адиб асарларини ўрганишнинг самарадор метод ва усулларини ишлаб чиқиш, оммалаштириш борасида жуда кўп илмий, педагогик ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Бу борада Болтабоев Ҳ. “Наср ва услуб”, Т.:Фан, 1982. Болтабоев Ҳ. “Қатағон қилинган илм”-Т.:Хазина, 1996 йил. Каримов Н. “Чўлпон”-Т.:Фан, 1992. Каримов Н. ва бошқалар “XX аср ўзбек адабиёт тарихи”-Т.:Ўқитувчи, 1999. Мақсудий Ю. “Қодирий, Чўлпон ва бошқалар”-Т, Шарқ юлдузи, 1990 №12. Шарафиддинов О. “Ҳақиқатга садоқат”-Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. Шарафиддинов О. “Чўлпонни англаш”-Т.: Ёзувчи, 1994. Қуронов Д. “Чўлпон поэтикаси” , Тўйчиева А. “XX аср ўзбек насри”-Т.: Ўқув қўлланма. 2003.

Бу мавзунини ёритишда бизга юқорида кўрсатилган адабиётшунос олимлар, мутахассисларнинг мақолалари, бадиий-таҳлилий асарлар, интернет материаллари, матбуотда чоп этилган бир қанча мақолалар, шунингдек архив ҳужжатлари катта ёрдам берди.

Тадқиқотнинг мақсади: Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридаги образларни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари: Тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилган:

- Чўлпон ижодини ўрганиш юзасидан тўпланган педагогик тажрибаларни таҳлиллаш.
- Ёзучининг ижодий меросини ўрганишнинг педагогик-психологик жиҳатларини белгилаш.

- Адибнинг “Кеча ва кундуз” асарини психологик таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти: Мазкур тадқиқотда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асари объект қилиб олинган. Бу тадқиқотда адибнинг ҳаёти ва ижоди билан бир каторда “Кеча ва кундуз” асари ҳар томонлама таҳлил қилинади. Унда асарнинг тарбиявий аҳамияти ва унда кўтарилган глобал муаммоларнинг ечими ҳақида сўз боради.

Тадқиқотнинг предмети:

Тарихда ном қолдирган элимиз-юртимизнинг равнақи учун ўз ҳиссасини қўшган қаҳрамонлар орқали ёшларнинг иродавий сифатларини ривожлантириш ва миллий руҳда тарбиялашда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романининг аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ушбу тадқиқот ишининг янгилиги замонавий педагогик технологияларга кенгроқ тўхталиб ўтилди ва асарнинг тарбиявий аҳамияти кенгроқ очиб берилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси:

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида баён этилган ғоялар, “Таълим тўғрисида”ги қонунҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонун ҳамда таълим соҳасини ривожланишига оид давлат ҳужжатлари, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг педагогика, психология соҳасидаги таълимотлари, педагог ва психолог олимларнинг бола тарбияси ва оилавий муносабатлар ҳақидаги фикрларни ҳамда ота-оналарнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисида билдирган ғоялари.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти:

Битирув малакавий ишда келтирилган маълумотлардан ўқув қўлланмалари, марузалар матни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот методлари:

Битирув малакавий ишнинг тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, қиёсий таҳлил, тарихий воқелик ва ижтимоий жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Ишнинг тузилиши: Битирув малакавий иш кириш, икки боб, бобларнинг ички бўлиниши, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловадан иборат.

I. Б О Б Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида.

1.1. Ёш авлодни эстетик тасаввурларини шакллантиришда ва уларнинг маънан юксак инсонлар бўлиб етишишида педагогиканинг ўрни.

Бугунги ёшлар, янги миллий ва умуминсоний қадриятлар билан яшашга ҳаракат қиляпти. Янгиликлар кўлами кўп бўлишига қарамай уни ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шунга мос ҳаётий қарашларини, майл ва мақсадларини шакллантирмоқда, бир-бирларига бўлган муносабатларини ўрнатмоқда. Мазкур жараёнда ўрта ва кекса авлод ёшларининг ва тафаккурини идрок этиш, қабул қилиш ёки қилмаслик борасида турли қарашлар мавжуд, бу ўзаро муносабатларда айрим салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Улар давр ва замон ўзгаришларини чуқур идрок эта бошладилар. Мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий негизлари тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси ҳам ўзгариши табиий эҳтиёжга айланди.

Ҳаёт тақозосига кўра ёшлар ижтимоий қатлам сифатида турли авлод вакиллари билан замондош бўладилар. Яъни бир замонда яшайдилар. Замондош ёшлар бир замонда яшаётган, лекин турли ёшга мансуб авлод вакиллари бўлиб, ҳаёт ўзгаришларини идрок этиш, мўлжал ва идеаллари ҳам бир-биридан фарқлансада, мақсад ва манфаатлари бир хил бўлган ёшлар қатламидир. Уларнинг ҳаётлари, тақдирлари, мақсад ва истаклари, улар қадрият деб билган ғоя ва тушунчалар, ҳатто характерларида ҳам ўхшашлик, муштараклик аниқ сезилиб туради. Улар ўзлари яшаётган замонга, замон эса уларнинг мақсад ва майлларига, ҳаёт идеалларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Даврни ҳис этиш ҳар бирининг ўзига хос индивидуал хусусиятлари билан, улар олган ва олаётган таълим тарбия, дунёдаги ўзгаришларни идрок

етишдаги турли хил қарашлари, манфаатларни турли кўришлари билан боғлиқ. Мустақиллик туфайли бугунги бир-бирига замондош турли авлодга мансуб ёшларнинг ҳаётий мақсадлари, идеаллари янгиланиб такомиллашиб бормоқда.

Албатта, инсон эркинлиги, ҳаёти, қадр-қиммати, мустақиллик ва демократия ғоялари, инсонлар улуғлаб келган яхшилик, эзгулик, адолат, тинчлик ҳамжиҳатлик, тотувлик, хотиржамлик, динлараро бағри кенглик туйғулари ўзаро инсоний ва ижтимоий муносабатларда уни тартибга солиб турадиган, йўналтирадиган, сафарбар этадиган, инсонларни эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган олий мақсадлар ва манфаатларни ифодалайдиган тушунча ва ғоялар бўлиб қолди.

Ижтимоий сиёсий мустақилликка эришиш Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Эски, тоталитар мафкуравий ғоялар инкор этилиб, жамият ривожини ва истиқболини кафолатловчи янги қарашлар шаклланди. Мустақиллик йилларида Миллий истиқлол ғоясининг асосланиши эса жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳатларни янада жадал амалга ошириш орқали ривожланган демократик давлатлар даражасида тараққий этишнинг самарали йўналишларини белгилаб олиш имкониятини яратди.

Бу даврда барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам ёш авлодга жаҳон таълими андозаларига мувофиқ таълим беришнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида давлат таълим сиёсатининг моҳияти тўлиқ очиб берилган. Ижтимоий – таълимий қарашларни ўзида мужассам эттира олган мазкур ҳужжатларда қайд этилишича, умумий педагогик жараённинг асосий мақсади, “таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қараш ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори

малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир.” Бугунги кунда, ёш авлодни баркамол шахс этиб тарбиялашга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондиришда асосий рол ўйнайди. Кадрлар тайёрлаш миллий модели таркибий қисмларидан бири бўлган шахсни ҳар томонлама камолга етказиш, юксак маънавий ва ахлоқий сифатларни тарбиялаш, унда касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришда долзарб педагогик муаммо бўлиб келмоқда.

Баркамол авлодни ҳар томонлама шаклланишида эстетик тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Ёш авлодни эстетик руҳда тарбиялашда ҳозирги давр талаби ва бунда маълум муаммолар борлиги шубҳасиздир.

Ёш авлодга ғамхўрлик аждодлар жамлаган барча ижобий меросни ривожлантириш, турмуш шароити, маданий ҳаёт тарзини бойитиш, қисқаси, аждодлар ҳамда замондошлар орттирган тажрибаларни янада бойитиш лаёқатини шакллантиришдан иборатдир. Шарқ халқлари, жумладан ўзбек халқининг тарбиявий анъаналари, халқ педагогикаси, оғзаки ижоди, халқ китоблари, оила педагогикаси материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек халқ педагогикаси ўз тажрибасида ёшларда яхшилик, эзгулик, Ватанни севиш, олийжаноб ва адолатли бўлиш, гўзалликни ҳис эта билиш ва уни яратишга интилиш каби ҳислатларни шакллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди.

Бугунги кунда давлатимиз баркамол авлодни ва малакали мутахассислар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётган бир шароитда таълим жараёнида ҳам баркамол шахсни шакллантириш долзарб педагогик муаммо саналади. Баркамол шахсни шакллантиришда педагогик таълимни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, таълимда миллий ва умуминсоний қадриятларга таяниш, шахсга йўналтирилган таълимдан самарали фойдаланиш асосида бўлажак педагогларнинг шахсий ва касбий сифатларини такомиллаштириш талаб

этилади. Инсоннинг шахс даражасида кўтарилиши учун унинг онги, фаолияти, ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг шахс сифатида ривожланиши, қизиқиши, характери, қобилияти, ақлий ривожланганлиги, эҳтиёжлари меҳнат фаолияти билан белгиланади. Ана шу хусусиятлар ривожланиб, унинг ижтимоий ҳаётга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати маълум босқичга етганда у баркамол шахс даражасига кўтарилади. Педагогик таълим жараёнининг муҳим омили бўлган педагогик таъсир шахсда алоҳида сифатлар, хислатларни тарбиялабгина эмас, балки шахснинг яхлит шакллантиришга қаратилган умумий технологик жараённинг асосини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Таълим муассасаси шароитида, ёш авлодда эстетик тасаввурларни шакллантиришда педагогларнинг педагогик ва психологик билимларининг даражаси ҳамда уларнинг мураббийлик малакалари, услубий томондан ўқишлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ёш авлодни эстетик тасаввурларини шакллантириш нафақат уларнинг бадиий дунёқарашини тарбиялаш билан боғлиқ. Эстетик тасаввурлар ўқувчиларда шаклланаётган дунёқарашни объектив тарзда кечишини, дунёни, ундаги воқеа ва ҳодисаларни муайян омиллар асосида ўзлаштиришга хизмат қилади. Шу тариқа эстетик тасаввурни ривожланган болада дунёни англаш жараёни самарали кечиши ҳақидаги илмий ғояни тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илгари суриши мумкин. Бу хулосани қуйидаги омиллар билан далиллаш мумкин. Биринчидан, эстетик фаолият замирида ўқувчилар муайян ҳаётда фаолият кўрсатиш учун ижтимоий тажриба тўплайдилар. Бу бола шахсини жамиятдаги ижтимоийлашув жараёнини самарали кечишини таъминлайди. Иккинчидан, эстетик мазмундаги машғулотлар фаолият орқали ўқувчиларда дунё ҳақидаги яхлит тасаввур шаклланиб боради, яъни айнан эстетик йўналишдаги бадиий-ижодий фаолиятлар воситасида ўқувчиларда дунё ҳақидаги илмий дунёқараш элементлари шаклланиб бораверади. Учинчидан, психолог А.А.Леонтьевнинг тадқиқотларидан маълумки, инсоният томонидан атроф-муҳитни, замон ва маконни, унинг

қонуниятларини, шунингдек, бадий ижодиёт намуналарини ўрганишнинг универсал йўли бўлганлиги учун ҳам эстетик тасаввурлар илмий дунёқарашни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Тўртинчидан, эстетик фаолият орқали ўқувчи дунёни фаол англовчи субъект сифатида майдонга чиқади. У ўз фаолияти орқали оламни англаш қонуниятларининг энг содда тамойилларини англаб, ўзининг тафаккурида таҳлил қилиш орқали глобал дунёни англашга тайёрланиб боради.

Ҳар қандай санъат асарида дунёнинг бир бўлаги, у ҳақдаги объектив талқин ётади. Шунинг учун ҳам санъат асарини англашни дунёни англаш воситаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Давлатимиз ёшларни илмий тадқиқот ишларига изчил, тизимли, узвий, мақсадли жалб этиш, уларни жамиятнинг фаол аъзоси сифатида фаолият кўрсатишларига эришиш, энг аввало, мазкур масаланинг долзарб педагогик муаммо сифатида кенг кўламли ва чуқур тадқиқ этилишини тақозо этади. Ёшлар ижтимоий воқелик ҳодисаларига тўғри баҳо беришлари, ижтимоий ўзгаришлар хусусида шахсий фикрга эга бўлишлар маълум даражада илмий асосланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари талаб этади. Талаба – ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш муаммосининг мустақил, яхлит ўрганилиши ёшларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, омилларини аниқлашга имкон беради.

Талаба – ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд ҳолати, унинг педагогика назариясида ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш бугунги кунда ташкил этилаётган педагогик фаолият мазмун ва йўналишларини аниқ белгилаб олишга хизмат қилади. Шунга кўра, замонавий илмий-педагогик кадрларни шакллантиришда талаба – ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаш, уларнинг мустақил илмий фаолият юритишини далиллаш, уни ривожлантиришнинг назарий-методик йўллари кўрсатиш ва амалий асослаш, талаба – ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш

борасидаги педагогик фаолият самарадорлигини оширувчи шакл, метод ва воситаларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Биринчи Президентимиз И. Каримовнинг қатор маъруза ва асарларида дахлдорлик фазилатини, шакллантирувчи омиллар, ушбу фазилатни, айниқса, ёшларда шакллантиришнинг аҳамияти, зарурати асослаб берилган. Бу ҳақда “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида: “Агар ким мендан ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак деб сўраса, мен авваламбор, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур деб жавоб берган бўлардим.”⁶ деб таъкидлаган эдилар.

Биз маданий меросимиз ҳақида фикр билдирар эканмиз театр санъати мазмун моҳияти билан инсонлар онгига таъсир этадиган санъат туридир. Буни ўз вақтида англаб етган маърифатпарварлар ўзбекистонда театр ташкил этишга киришадилар. Бу маърифатчилар сафини асосан жадидчилар ташкил этган бўлиб, уларнинг сайи-ҳаракатлари орқасида Тошкент, Самарқанд, Каттақўрғон, Бухоро, Андижон, Фарғона шаҳарларида театр труппалари ташкил этилади. Улар замонавий театр андозасини европа театрларидан олишади. Ўлкамизга гастрол сафарлари билан келган озарбайжон сайёр труппаси, россия ўлкасидан келган труппалар ва ҳатто италиядан келган труппалар ўз театр санъати билан халқимиз театр санъатининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишади..

Давр ўзгарди, одамларнинг онги ўса бошлади, уларнинг тафаккурлари кенгайди, маданияти юксала бошлади. Маданият маънавиятнинг ёрқин кўзгуси. Маданиятнинг таркибий қисми бўлган театр санъати ҳақида гап

⁶Каримов И.Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.:Маънавият, 2008.

кетганда, унинг қудратли тарбия воситаси эканлиги ҳаммамизга маълум. Санъат гўзаллик яратиш, ҳаётдагидан ҳам гўзалроқ тасвирлашдир, деган фикрга қўшилаемиз.

Тарбиянинг аксар турлари Миллатимизнинг ёши улуғлари томонидан ёшларга панд-насихат йўли билан амалга оширилса, театр санъатида эса кузатиш, таъсирланиш орқали инсон руҳиятига таъсир кўрсатилади, ва айнан мана шу йўл билан эзгу ишларга хайрихоҳлик ва, энг асосийси, ёвузликлардан узоқлашиш, унга қарши курашиш инстинкти шакллантирилади. Айнан мана шу ният, энг асосийси. Зеро, насихатомуз ваъзлар тингловчилар томонидан одатда итоаткорона қабул қилинса-да, одатда одамлар уларга ҳамма вақт ҳам амал қилмасликларини ҳаёт кўрсатиб турибди. Бу ҳолат панд-насихатни инсон ҳамма вақт ҳам тўғри ва самимий қабул қилмасликларини кўрсатади. Лекин бадиий воситалар орқали бошқалар томонидан қўйилган хато қадамни кўрсатиш орқали томошабинни мушоҳада этишга ундаш бир мунча осон. Айнан мана шу йўл билан томошабин, яъни кузатувчини ўзига сездирмаган ҳолда ушбу хатони қилмасликка, яъни покланишга чорланади.

Бежиз инсон санъатнинг асосий объекти ҳисобланмайди. Зеро, санъат инсонни тараннум этади ва айнан шу йўл билан унинг ўзини тарбиялайди ҳам. Шу маънода инсонга хос барча ижобий сифатлар ва хислатлар тарбияси санъат олдида турган энг долзарб вазифалар сирасига киради. Улар орасида Ватанга садоқат, халққа муҳаббат, ота-онага ҳурмат, атрофдагиларни кадрлаш, садоқат, одамийлик сингари ўнлаб фазилатлар ижодкорларни доимо изланишга чорлаган.

Барча даврларда ижод аҳлини Ватан ва ватанпарварлик мавзуси ўзига жалб этиб келган. Бу мавзу нафақат замонавий, шу билан тарихий мавзулардаги асарларда бирдек долзарблик касб этган. Танланган асарларнинг жанри бунда рол ўйнамаган. Бугунги кунда ҳам бу мавзу кўтарилган асарлар кўплаб яратилмоқда, уларнинг аксари саҳналаштирилмоқда

хам.Яратилаётган асарларда инсон, унинг ҳаётдаги ўрни,аъмоли, яшашдан мақсади, қилаётган ишларини тасвирлаш орқали турли ижтимоий масалалар кўтарилмоқда ва уларга муносабатни шакллантириш ният қилинмоқда. Тўғри шиддат билан тез ўзгараётган жамиятда яшайпмиз.Бундай вақтда нафақат ижтимоий муносабатларда, балки ахлоқий қарашларда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлади, ва бу ҳолат томошабин диди ва савиясининг ўзгаришига олиб келади.Бу йўлда драматургия катта рол ўйнайди.

Драматургия ўзида маънавий, ижтимоий, умум инсоний ғояларни мужассамлаштирган театр компоненти. Унинг асосида бадиий қонуниятлар орқали шаклланган ҳаётий воқеаларнинг мантиқий, изчил ва албатта, мақсадли тизими ётади.Гарчи драманинг асосий хом-ашёси воқеа ҳисобланса-да,унинг марказий таянч нуқтаси қаҳрамон саналади. Муддаоси эса ҳаётнинг маълум қийинчиликлари ва синовлари таъсирида рухий зиддиятларни, шунингдек манфаатлар ўртасидаги тўқнашувлар ҳамда бу жараёндаги инсон маънавий қиёфасини ифодалашдан иборат. Қаҳрамон масаласи драматургияда азалдан долзарб бўлиб келган. Театр воситасида ўз даври муаммоларини акс эттиради. Бинобарин, драматургияда ўз даврининг муаммолари, орзу-истаклари мужассам этган қаҳрамонлар шаклланади.Зеро,одатда бош қаҳрамон оддий кишиларнинг идеали бўлмоғи , томошабинга нисбатан маънавий қадриятлари, орзу-истаклари бир қадар юқорироқ туриши зарур.Бу эса, табиий равишда ижодкорлар олдида замон қаҳрамони образини яратиш масаласини кўяди.

Санъат жуда қадимий тарихга эга. У жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни, кишилар ижтимоий фаолиятининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган.У даврда ҳали санъат инсон фаолиятининг мустақил шакли сифатида ажралиб чиққан эмас эди, чунки барча маънавий ишлаб чиқариш моддий ишлаб чиқаришга қўшилиб кетган эди. Кейинчалик маданиятнинг ўсиши натижасида санъат аста-секин инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқди.

Энг қадимий санъат тури бўлган театр ҳамиша миллатнинг кўзгуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиботчиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Даврлар ўзгаради, авлодлар алмашади, бироқ санъаткорнинг томошабин ва халқ олдидаги маъсулияти, бурчи, вазифаси, мақсади ўзгармайди, аксинча давр руҳи билан бойитилиб сайқалланади. Саҳна санъати воситасида одамларни эзгуликка чорлаш ҳар доимгидек санъатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.

Маълумки, XX аср бошларига келиб, айнан маърифатпарвар ижодкорларимиз саъий-ҳаракатлари туфайли ўзбек адабиётида замонавий драматургия жанри шаклланди, ривожланди. Ўша даврда яратилган драматик асарларда жаҳидларга хос мақсад ва интилишлар ўзга жанрлардан кўра кўпроқ ўз аксини топди. Саҳна асарлари жаҳидларни халқ билан яқинлашувини, унинг маиший, маънавий дунёсига кириб боришини таъмин этди. Адабиётшунос Ш. Ризаев таъкидлаганидек “Жаҳид драматургияси халқ маданиятида асрлар давомида шаклланиб келган маърифатпарварликдан маърифатчиликка ўтиш, яъни ғоядан амалиётга ўтиш ҳосиласидир.”⁷

Ўзбек жаҳид драматургияси ҳамда театрининг шаклланиши, аввало ижтимоий ҳаёт тақозоси ва эҳтиёжи туфайли содир бўлди. М.Муҳаммаджонов Уфада “Мадрасаи олияда” таҳсил олиб юрган кезларида “театр” деган сўзни эшитиб “нима бўлса экан бу?” деб жуда қизиқиб қолади. Театрга бир-икки бор тушиб, театр нима эканлигини тушуниб етади ва ўзининг “Турмуш уринишлари” номли китобида ёзади: “бўлмағур урф-одатларини, ақлга сиғмайдиган қилиқларни китоб қилиб ёзиб, шу китобда ёзилган кишиларнинг худди ўзи бўлиб, ибрат бўлсин учун театр қилиб ўйнашар экан.”⁸

⁷Ризаев Ш. Саҳна маданияти. Т.: Маънавият. 2000. 2.80-бет.

⁸Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Т. Адабиёт нашр. 1959. 93б

Маълумки,жадидлар театрни “ахлоқдан сабоқ берувчи ибрат мактаби” деб ҳисоблаганлар. Зеро, театр ижтимоий иллатларни жонли кўрсатиш билан миллатларни ғафлатдан уйғотишга хизмат қилган эди.

Жадид театр арбоблари энг аввало, драматургиянинг ижтимоий салмоғига диққатни қаратганлар.Жадид драматургиясининг ҳар бир намунасида маданий-маиший, ижтимоий-сиёсий ва маънавий мавзуларнинг умумлашган жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларни қаламга олиш ўша давр учун катта аҳамият касб этган.Жадид зиёлилари ўзларининг долзарб мавзудаги асарлари билан нафақат ХХаср боши Туркистони учун, балки бугунги мустақил Ватанимизда ёш авлоднинг маънан юксак инсонлар бўлиб етишиши учун ҳам хизмат қилишда давом этмоқдалар.

Жадид зиёлиларининг асарларини юртга танитишда Маннон Уйғурнинг ўрни бекиёсдир. Маннон Уйғур1927-1930 йилларда ичида ўн бешга яқин саҳна асарларни саҳналаштиришга муваффақ бўлади. Ўттизинчи йилларда Чўлпон, Фитрат, Ғулом Зафарий, Хуршид каби драматурглар сафига бир қатор ёш драматурглар Комил Яшин, Умаржон Исмоилов, Зиннат Фатхулин, Назир Сафаров, Зиё Саид, Сотти Ҳусайнлар келиб қўшилишади. Улар Уйғур билан ижодий ҳамкорликда ишлай бошлашади. Уйғур труппанинг ижодий кучларини тўплаш ниятида вилоятлардаги итеъдодли актёрларни чақириб олади. 1930 йилларда ҳам бу жараён давом этиб труппага Ғани Аъзамов, Марьям Ёкубова, София Тўйбоева, Зайнаб Садриева каби итеъдодли ёшлар кириб келади. 1930-1941 йилларда театр жамоаси ўзларининг ижодий ютуқлари билан театрни камолот чўққисига олиб чиқишади.

Маннон Уйғур 1935 йилга келиб Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясини саҳналаштиришга қўл уради. Бу жараёнда М.Уйғур жуда кўп изланиб, керакли материаллар камлиги сабабли, Бобо Хўжаев билан бирга Москва, Санкт-Петербург шаҳарларидаги театр мактабларида фаолият юритаётган шекспиршунослар билан учрашади ва Шекспир асарларини

сахналаштиришган йирик режиссёрлардан маслаҳат олиб, шекспиршуносликка оид материаллар тўплаб келади. Баъзи бирларини ўзбек тилига таржима қилади.

“Гамлет” трагедиясининг сахнага чиқиши нафақат режиссура, балки профессионал актёрлар ижодида ҳам янги даврни очиб берди. “Гамлет” трагедиясини ўша пайтлар “Ҳамлет” номи билан Чўлпон жуда юқори савияда таржима қилган эди. Гамлет ролини Аброр Ҳидоятговга беришади. Аброр Ҳидоятгов Гамлет роли устида ишлар экан матнни чуқурроқ мутоалла қилишга киришади. Шекспир ва унинг даврига таллуқли барча адабиётларни топиб ўқийди. Ўз замондошларининг ижроларини ўрганади ва образ борасидаги энг яхши топилмаларни ижодий ўзлаштиради. Аброр Ҳидоятгов Гамлетни, аввало ҳар қандай мавҳумликдан халос қилиб, сахнада иккиланувчи, иродаси бўш, сусткаш одамнинг мавҳум тасвирини эмас, балки Уйғониш даврининг фожиавий муҳитига тушиб қолган гуманист, ўрта аср ақидалари билан янги прогрессив қарашлар ўртасидаги мушкул зиддиятни ҳал қила олмайдиган, лекин юксак инсонпарварлик идеаллари йўлида ўзи яшаган жамиятга, унинг ахлоқий тартибларига қарши исён кўтарган, ҳатто ҳалок бўлишини билса ҳам, бу курашдан воз кечмаган инсонни аниқ ва жонли образини яратди.

Маннон Уйғур актёр ижросини синчиклаб ўганар экан ундан хатти-ҳаракатини, бурро-бурро гапиришини, талаффузда товушларнинг аниқ ва ўз ўрнида қўлланилишини талаб қилади. Бу жараёнда режиссёр сахнада актёр нутқининг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги драматургия тилига ўта боғлиқлигини янада чуқурроқ англайди. Асар тилининг сустлиги актёрнинг ўзидан сўз қўшиб кетишига ёки образга кира олмаслигига сабаб бўлишини, шунинг учун ҳам аввал драматург тили билан боғлиқ масалаларда пухта ишлаш кераклигини ўз шогирдларига уқтиради. Маннон Уйғур Чўлпон билан биргаликда адабий тил устида кўп ишлашади ва сахна нутқи меёрларини ишлаб чиқишади. Улар актёр билан рол характери устида ишлашганда муаллифнинг қаҳрамон тўғрисида берган тавсифига суянади.

Характер кенг камровли атама бўлиб, ўз ичига катта маънони олади. Қахрамон ҳам, образ ҳам, персонаж ҳам ўз моҳиятлари билан характерга боғланади. Драматургияда характер инсоннинг жамият билан, халқ билан, табиат билан боғлиқ ҳолатда тутшиб кетади. Характер нима қилганини, қандай қилганини тасвирлаш, сюжет ва композицияни, мавзу ва ғояни, муаммони ўз ичига қамраб олади. Демак, характер деганимизда бадиий асар, драманинг мавзуси ва ғояси, мазмуни ва шакли, сюжети ва композицияси кўз олдимизда яхлитлигича гавдаланади.

Актёр ўз роли устида ишлаш жараёнида образнинг характер ва характерлилигини аниқлаши муҳим аҳамият касб этади. Актёр характер устида ишни бошлашда муаллифнинг қахрамон тўғрисида берган тавсифига суянади.

“Ҳақиқий образ характер яратиш учун актёрда ирода, ақл ва хислар бир бўлиб уйғунлашмоғи керак” – дейди К.С.Станиславский.

Характер бу – қахрамоннинг бошқалардан фарқ қилувчи томонлари, барча хатти-ҳаракатида намоён бўлувчи ҳислатлари, ўзининг, бошқаларга бўлган муносабати ва ҳақозо. Бирон нарсага нисбатан муносабат жараёнида намоён бўлувчи индивидуал хусусиятдир. “Характер” – сўзи грек тилидан олинган бўлиб, “нақш”, “аломат” маъноларини билдиради, яъни шахсни фарқловчи хусусият, белгилари тушунилади.

Характер тўғрисида Арасту ўзининг “Поэтика” асарида шундай ёзади: “Биринчиси ва асосийси: характерлар яхши бўлиши керак (бу ерда ижобий хусусиятларга эга бўлган шахслар устида гап кетаяпти), иккинчидан характерлар ўзига хос бўлиши керак, учинчидан, характерлар (ҳаётий), ҳаққоний бўлиши керак, тўртинчидан, характерлар изчил бўлиши керак”

Ҳар бир характер ўзига хос ва шахсийдир. Шунинг учун ҳам муаллиф характер қидириши, ўйлаши, такрорланмас чизгиларини йиғиши зарур. Уларни бирлаштириб бир-бирига қовуштириб, пайвандлаб, ёрқин такрорланмайдиган характер яратиши керак. У кутилмаган қиёфага эга бўлиб, ишонарли бўлиши лозим. Бунинг учун ижодкордан ўткир кўз, теран

ақл, ижодий маҳорат талаб қилинади. Қолаверса, у мавжуд стандарт қолиплар ва ўрнашиб қолган штамп-жилваларга жиддий қарши тура оладиган жасоратли бўлиши керак. Бунинг учун ижодкорнинг билим савияси баланд, тафаккури, қобилияти ўткир, мантикий хулоса чиқаришга моҳир бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Аристотелнинг фикрича, санъатдаги идеаллаштириш ҳам характерларнинг ҳаққоний бўлишига зид келмаслиги даркор. Ижобий қаҳрамонлар муаллифнинг сценарийсида кўтарган ғоявий-эстетик қарашларнинг амалга оширишидаги персонажлардир.

Характер муаллифнинг ғоявий ниятлари асосида бадиий воситалар ёрдамида яратилади. Характернинг ҳаётийлиги, мазмунга бойлиги, эстетик қуввати драманинг моҳиятини, савиясини белгилаб беради. Характер ҳам, тип ҳам, персонаж ҳам образ бўлиши мумкин. Характерни белгиловчи муҳим хусусият бу, инсон, шахснинг индивидуал ўзига хослигидир.

Характер шундай бўлиши керакки, томошабин осонлик билан унинг ҳаётий реаллигига тўла ишонсин. К.С.Станиславский таъкидлаганидек: "Сен ҳ"м ролга бошқа ранглар билан бирга ранг-баранг товланувчи, жиндек оқ буёқдан ҳам қўшиб қўй. Шунда контраст, ранг-баранглик ва ҳақиқат вужудга келади. Шунинг учун ҳам йиғлоқи кишини ўйнаганинда, унинг қувноқ, тетик пайтларини топ. Шунда, яна қайта йиғлоқи ҳолатга қайтганинда, зерикарли бўлмайди, балки илгаригидан ҳам кучлироқ таъсир этади. Шундан бўлса керакки, сендаги тинмас йиғлоқилик, тиш оҳриғидек жонга тегаяпти. Шу сабабли яхшини ўйнаганда унинг ёмон жиҳатини, ёмонни ўйнаганда унинг яхши хислатини изла" (Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси. Т.Янги аср авлоди. 2010.Б-468.)

Характерлилик эса қаҳрамоннинг ташқи хислатлари, сўзларни ёрқин гапира олиши, профессионал, маиший ва шахсий ўзига хослигидир.

Актёр ролнинг ички ҳаётини, ички дунёсини фақат хатти-ҳаракатлар ёрдамида юзага келтира олади. Саҳнада талқин этилган ролнинг хатти-

харакатига қараб, улар ҳақида фикр юритиш мумкин. Мана шу ички табиат билан хулқ-хусусиятлари ролнинг ички характери деб аталади.

Ролнинг ички характерини тасвирлаб, ижро этиш учун актёр ўзини рол ҳаётида кўра билмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, актёр ўзини ролдаги берилган шарт-шароитга мослаштира олиши керак. Шу билан бирга, ролнинг ҳаётини актёр ўзининг ички дунёси билан кўра билмоғи лозим. Демак, бу рол учун зарур бўлган ички хусусиятини, хис-туйғуларини актёр ўз қалбида тарбиялаб, ўстириб келтира билиши мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун даставвал актёр ролнинг ички характерини ва унинг ички қалби ўзгачалигини яхши билиб, аниқлаб олиши талаб этилади. Чунки ролнинг ташқи хатти-ҳаракатини пайдо бўлиши – ички характерга боғлиқ. Ролнинг ички характерини томошабинга таъсирли қилиб етказишда актёр ролнинг ташқи характерини ҳам чуқур ўйлаб топиши зарур. Қизиғи шундаки, ташқи характерга тааллуқли бўлган ролнинг юриши, туриши, гавда ҳаракатлари, қим ирлашлари, кузғалишлари, сўзлаш манераси ва бошқа ҳоказоларини аниқлашнинг ўзи актёрга баъзида ролнинг ички ҳаракатини топишга ёрдам беради. Баъзида ролнинг ички характерларини аниқлаш билан унинг ташқи ҳаракатлари, актёр ижодида ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Маълумки, ҳаётда бир хил одамлар бўлмайди. Ҳар бир кишининг қиёфасида, ташқи кўринишида ҳам ўзига хослик мавжуд. Ҳар бир характер ўзининг яшаш тарзи, курашиш усуллари, маънавий қарашлари, феъл-атвори, фикрлаши билан ажралиб туради. Агарда қаҳрамонда умуминсоний фазилатлар чуқур индивидуаллашган ҳолда намоён бўлганда унинг энг характерли хусусияти яққол кўзга ташланади.

Ҳаётдаги инсонларнинг характерлари ҳар хил бўлади. Самимий, хушфеъл, сахий, хушчакчақ, айримлари эса жаҳлдор, инжиқ, пишиқ, хасис, жанжалкаш хусусиятларга эга. Характер тўғрисида гап кетганда, унга асос, пойдевор қилиб олинган реал шахсни назардан қочириб бўлмайди.

Режиссёр асарни сахналаштириш жараёнида муаллиф яратган қиёфаларнинг турли-туманлигини, феъл-атворларини очиши, актёр маҳорати

орқали намоиш қилиши лозим. Маълумки, феъл-атвор туғма бўлиши мумкин. У маълум бир ҳолатларда ва атроф муҳит таъсирида ўзгариши мумкин Феъл-атвор насл-насабга, авлод-аждодга, ирсиятга ҳам боғлиқ. Характернинг шаклланишида ташқи дунёнинг таъсири жуда кучли бўлади.

Театр санъати тарихи, актёрлик ижроси ҳақида мулоҳаза юритганимизда К.С.Станиславскийнинг бу борадаги хизматлари ҳақида тўхталиб ўтиш биз учун катта бир шарафдир. К.С.Станиславский номи ва унинг қилган хизматлари санъат тарихида катта бир даврни ўз ичига олади. У яратган ижод системаси бугунги кун талаба ёшлар истиқболга кенг йўл очиб беради. Унда сахна санъатининг материалистик асослари ишлаб чиқилган. Станиславский ўзининг “Актёрнинг ўз устида ишлаши” китобида асосий таълим объекти, тадқиқот предмети қилиб сахна хатти-ҳаракати ва унинг элементларидаги психо-физик табиатини олган ва буларни тўла-тўқис баён этган.

Станиславский ўз системаси билан театрдан бачкана театрни, актёрлик ўйинидан сохталикни, юзакиликни, тақлидчиликни, бачкана қилиқ қилишликни қувиб чиқарди, ҳамда мазмундорлик ва ҳаётийликни ўрнатишга уринди. У ўзининг бутун ҳаётини сахнада тирик инсон, жонли образ, ҳаётий ҳақиқатнинг тантана қилишига бағишлади.

Сахнада - кўпчилик олдида ижод қилганда ролни чинакамига хис этиш, тўйғуни – ёлғон қилиб кўрсатмасдан жонли. Балки инсонийча, мантиқан, изчиллик билан, мақсадга мувофиқ, унумли хатти-ҳаракат орқали пайдо қилиш – Станиславский системасининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Актёрлик илҳоми кўп асрлардан бери театр санъатининг буюк арбобларини ўзига тортиб келган. Улар актёрлик санъатига ва илҳом масаласига катта эътибор билан қараганлар. К.С.Станиславский ўз ситемаси билан илҳом “илоҳий” бир ҳодисадир, у актёрга тўсатдан келиб қолади, унга мунтазам машқлар билан эришиб бўлмайди, - деган назарияни таг-томири билан кўпориб ташлади. У фақатгина актёрнинг органик табиатигина

мўжизалар ярата олишини илмий равишда исботлади. Шундай қилиб Станиславский актёр ижоди, театр санъати ҳақидаги фанни яратди.

Театр санъати – коллективдан (жамоадан) иборат. Театр иши ташкиллаштирилиши лозим. Бир кишининг ижоди, бошқа кишининг ижодига боғлиқ бўлади. Бундай ишлар спектакл яхлитлигига олиб келади, мақсадга мувофиқ бўлади. Актёр рол устида ишлагангида, тинимсиз изланишда бўлади.

Автор ниятини билиш учун, ролни муҳокамаси устида ишлаш, пьесани қайта-қайта ўқиш, англаб олишга ҳаракат қилиш керак. Айрим ҳолларда актёр ижодий органикадан айланиб ўтиб кетади. Фақат натижага тезроқ етиб келиш ниятида, ролнинг ташқи формасига эга бўлади. Яъни образ характери ташқи томонини, нутқи, интонация, жест, мимикаларини кўрсатади.

Аммо шу жараённинг табиийлигига бу билан эришиб бўлмайди. Бундай ҳолларда актёр, партнёрининг жонли мулоқотидан маҳрум бўлади. Охир оқибат бу нарса тақлидий санъат тушунчасига олиб келади.

Мезансценаларни, бўлғуси спектаклнинг тайёр постановка ечимини, жанри, ритмининг олдиндан ўйлаб қўймоқ хатодир.

Саҳнавий образ яратишда актёр ишини шундай ташкиллаштирилиши керак-ки, ижодий натижа органикали, бўрттирилмасдан, табиий етилиши керак. Метод мана шу вазифага хизмат қилади. Станиславский ситемасигача, ”сиртдан ички томонга” – деган тушунчага санъаткорлар бўйсунган. Кейинчалик эса, “ички томондан сиртга” – қараб, яъни ички ҳолатдан хатти-ҳаракатга, ҳамда рол кечинмасидан, унинг қайта гавдаланишига деган тамоилга риоя қилинган.

“Актёрлар ҳар хил техник усуллар билан ўзларига ички кечинма ҳолатларни яратмоқчи бўладилар. Рол устида иш, пьесани психологик анализ қилишдан бошланар эди. Яъни рол моҳиятини, иродали вазифаларни, кайфиятни аниқлаш ишларга эътибор қаратилар эди. Ҳис-туйғулар хотирасига таянган ҳолда, илк кечирган хис-туйғуларни уйғотмоқчи бўлар

эдилар. Актёрлар физик хатти-ҳаракатга ўтишдан олдин, стол атрофида ўтириб, ролга киришга, унинг маънавий мазмунини эгаллашга ҳаракат қилар эдилар. Аммо, бу қилинаётган ишлар хато эканлигини, оқибатда тушуниб етдилар. Аввал қатнашувчининг психологиясига, кайфият ва хис-туйғуларига эришиш, стол атрофида ролни англаб олиш ва кечинмага эришиш, ва ундан кейин хатти-ҳаракатда гавдаланиш актёр ишининг энг яхши “ишлаш усули” – деб айтиб бўлмайди. Актёр онгини кўп, керак бўлмайдиган вазифалар билан тўлдириш шарт эмас. Стол атрофида “кечинма”ларга ўрганиб қолган актёр, сахнада ҳам фаол хатти-ҳаракат қилиш ўрнига “кечинма”ни қайта кўрсатишга ҳаракат қилади. Оқибатда янги ташқи “штамп” янги қолип, ишонарли даражадаги “кечинма” туғилади”.(Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси. Т. Янги аср авлоди. 2010.)

Ҳаётда психик жараён ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бизни ўраб турган атроф муҳитдаги реал воқеалардан келиб чиққан ҳолда сезги органимиз ишга тушади.

Ундан чиқди – актёрнинг сахнадаги ҳар бир қадами органик (жонли) бўлиши учун, биринчи навбатда, ўша физик жараёндаги қабул қилиш ва таъсир қилиш кучларини ўрнатишимиз керак. Уларнинг таъсирида бизнинг ички дунёмиз юзага чиқади ва шаклланади. Ўқув жараёнидаги пьеса устидаги иш, театрнинг спектакл постановкасидан катта фарқ қилади. Ўқув жараёни ўз олдига бошқачароқ вазифа қўяди ва бошқача ташкиллаштиради. Талабани қизиқтириш учун, ижодий вазифасини тушуниши учун турли усуллар қўлланилади. Талабани қизиқтириш учун, олинган асар ғояси саёз бўлмаслиги, образлар психологияси эски сарқит бўлмаслиги керак. Метод (усул) ва системани “тушундим” – деб йиғиштириб қўйган одам хато қилади. Метод ва система бизга доимо керак. Қийин вақтларда, саволга жавоб тополмайдиган пайтларда, асарнинг моҳиятини чуқур тушуниб етолмаганимизда – хуллас ҳар доим, мунтазам равишда метод ва системага мурожаат қиламиз.

Мана шундай пайтларда талабаларга одатда классик драматургиялар жавоб беради. Классикадан ўтгандан сўнг талабалар замонавий пьесалар устида ишлаш учун шайланиши керак.

Биз талабалар учун классик асарларни сахналаштириш жуда муҳимдир. Диплом спектакли учун асарлар қидириш энг қизиқарли жараён. Қизғин дискуссиялар, ўзаро бир-бирини тушуниш, англаш, муҳокама ва суҳбат каби жараёнлар орқали талаба ва педагог ўртасида узвий ижодий боғланиш пайдо бўлади, ижодий мулоқот кечади ва уларнинг муносабати мустаҳкамланади. Пьеса билан танишиб, чуқур изланишлар орқали таҳлил жараёнидан ўтилгандан сўнг, педагог рол тақсимоти устида ишлайди. Бундай ҳолатларда талабани нафақат профессионал даражасига эътибор бермоқ – талабани психоэмоци онал қирраларини ҳам назарда тутиш керак. Яна – талабани меҳнаткаш фаолияти, қийинчиликларни енгиб ўта оладиган қобилияти каби ҳислатларига ҳам диққатни қаратмоқ лозим. Курсда қанчалик талабалар кўп бўлса, спектакл устида ишлаш ҳолатлари шунчалик енгил кечади. Чунки, ижодий синовлар кўлами кенг бўлади.

Классик асарлар бўйича диплом спектакли сахналаштирилишида талабалар билан бирга профессионал театрларнинг етук актёрлари ҳамкорликда ишлашса, бу биз талабалар учун жуда фойдалидир. Ёки талабалар театр репертуарларидаги бирон бир спектаклда кичик ролларда ҳам ўйнашса, ҳамкорлик қилишса, талабаларнинг кейинги спектаклдаги роллари учун жуда самарали бўлиб, актёрлик маҳоратларини пухта эгаллашларига янада ёрдам бўлади.

Талабалар малакали тажрибага эга актёрлар ишлашини, ижросини кўриб, уларнинг маҳорат ва ижодини ўзи учун намуна сифатида қабул қилади. Актёрлик маҳорати техникаларини, сирларини амалиётда ўз кўзи билан онги билан кўради, ўрганади, англайди.

“Диплом спектакли яратиш даврида режиссёр-педагогдан катта маъсулият талаб қилинади. Режиссёрни сахнавий санъатни барча компонентларини бир фокус ичига олувчи призмага ўхшатиш мумкин. Барча

шуълаларни йиғиб, уларни бир тизимга жойлаштириб, призма ранго-ранг камалаклар ҳосил қилувчи манбага айланади. Неча асрлардан буён театр ўз бошидан турли хил фавқулодда мушкул ҳолатларни кечирди. Барча касалликларга дуч келиб, курашиб келди, ўлмади ва ҳеч қачон ўлмайди. Автор, актёр ва томошабин бирлиги йўқолмас экан театр яшайди. Режиссёр бу – бирлашмани мустахкамловчи кучдир”.(Махмудов Ж. Режиссура.- Т.2008)

Станиславский таълимоти актёрнинг табиатига объектив ёндашишини талаб қилади. Таълимотнинг аҳамиятли томони шундаки, Станиславский режиссёрни спектаклни яратишда асосий жавобгар ҳисоблайди. Режиссёр нафақат ташкилотчи, балки муаллиф асарини жонлантириш билан бирга санъат майдонида яхлит асар яратади ва театр жамоасини тарбиялайди.

Саҳнавий образ яратиш актёр пухта тайёрланган бўлса, унинг иш натижаси табиий, гўзал, таъсирчан бўлади.

Талант – иқтидор барча санъат турларида муваффақиятли ижод қилишнинг шартларидан биридир. Қачонки унинг дунёқараши кенг, чуқур фикрловчи ва ҳақиқий санъатга ошно бўлиб, маданиятга, маънавий бойликка эришсагина, қобилият ўз имкониятларини кўрсата олади. Шунини тушунмоқ жоизки, дунёқараш билан санъатдаги ижодни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Бадий ҳақиқатга йўғрилган санъат ғоявий етуклик ва маҳоратини талаб этади. Малакали маҳорат қимматли ғоялар негизи да туғилади ва ривожланади.

1.2 Чўлпоннинг ижодий йўли.

Ўзбек театри XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида катта ва кичик шаклдаги томошаларнинг бадиий меросига, ўз анъаналарига ўзига хос бадиий эстетик тамойилларга бой репертуарларига, истеъдодли актёр ва устозларига эга бўлган. Ўзининг илдизлари билан тарихнинг узок асрлари ичига кириб борган бу театр ўзбек халқининг мусиқа ва рақс санъати билан узвий боғланган ҳолда ўсиб борган. Аммо Туркистоннинг XVII асрдан бошлаб майда хонликларга бўлиниб кетиши оқибатида ўзбек театр санъатининг ривожланиш даражаси бир хил бўлмаган, яъни бу тарихий даврда ягона театр маданияти сифатида, бир эстетик тизим ва бир услубда тараккий топа олмаган.

У ҳар бир хонликдаги қадимий анъаналар, мавжуд ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароит ҳамда хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир жуғрофий вилоят ва туманда ўзбек актёрлик санъатининг ўзига хос услубларини майдонга келтиради.

Ўзбек профессионал театри репертуарларининг турлари ниҳоят хилма-хил бўлиб, катта-кичик халқ оғзаки комедиялардан, понтамим спектакллар, сатирик ва юмаристик ҳикоя ҳамда латифалар, ҳажвий ёки понтамим рақслар, қизиқ лапарлар ва кўшиқлар, танқиб, аскиялардан иборат.

XVIII ва XIX асрда ўйналиб келган комедияларни мавзу жиҳатдан асосан икки туркумга бўлиш мумкин:

1. Инсонга шодлик ҳадя этувчи енгил, юмористик ва маиший комедиялар.
2. Кучли ижтимоий мавзу кўтарилган ва тарбиявий аҳамиятга молик бўлган сатирик пьесалар. Ҳар иккала туркумга кирган пьесаларнинг томошабинга бўлган эмоционал таъсири ҳам турлича, чунончи юмористик ёки маиший пьесаларда шодлик, кулги чиқариш асосий мақсадни кўзда тутди. Унинг сюжет ва фабуласи тасодифий воқеалардан келиб чиқади. Гарчанд бундай комедиялар инсонга шодлик ҳадя этса-да, улар томошабин руҳига социал таъсир қилиш жиҳатдан чеклангандир.

Ўзбек оғзаки драматургиясининг энг ривож топган тури сатирик пьесалардир. Уларда жамиятнинг муҳим муаммолари мавжуд социал тузум зиддиятлари, табақалар ўртасидаги муносабат реал тасвирланади. Ҳаётдаги адолатсизликлар, зулм кескин фош қилинади. Бундай пьесаларнинг энг кучли томони ундаги мавзунинг замонавийлиги, сюжет ва конфликтнинг ҳаётий фактларга асосланишидир.

Ҳар бир халқ оғзаки комедияси драматик хусусиятга, маълум фабула, сюжет, тугун, кульминацион нуқтага эга. Бироқ пьесалар оғзаки характерга эга бўлганидан унинг сюжети, фабула ва матнлари ёзма драматургия каби мураккаб ва барқарор эмас. У сценарий характерига эга бўлгандан актёр спектакл вақтида пьеса қаҳрамонларининг характерига, томоша майдони кайфиятига қараб унинг мазмуни ва сюжетига ўзгартириш, сўз ва деталлар қўшиши ёки қисқартириши мумкин. Баъзи пьесаларнинг сюжетида актёрнинг томошабин билан олиб борадиган диалоглари узвий боғланган бўлади.

XX аср бошларига келиб Ўзбекистондаги анъанавий театр Европа мамлакатларидаги театрларга нисбатан орқада эканлиги сезилиб қолди. Чунки ёзма драматургияси, сахнаси, биноси бўлмаётган, фақат сатира ва юмор, яъни ҳажвийлик билан чекланган театр замон талабини, халқнинг тобора юксалиб бораётган маданий-эстетик эҳтиёжини қондира олмас эди. Шу тарзда замон тақозаси билан янги театр яратиш зарурияти туғилди.

Давр ва халқ талабига ҳамоҳанг бўлган янги ўзбек театрини яратилишида рус, татар, ҳамда озарбайжон театрларининг тажрибалари катта бўлди.

Шак-шубҳа йўқки, янги ўзбек театрининг яратилиши ва ривожланишида, халқнинг бадиий маданияти, оғзаки ижодиёти қаторида қадимги театрнинг асрлар бўйи тобланган бой мероси, синалган традициялари, ажойиб образлари, тасвирий воситалари зарур омилҳамда манба вазифасини бажарган. Масхарабоз ва қизиқчилар тажрибаси, айниқса, янги театрнинг дастлабки қадамларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қадимги театр гарчи ўз

Ўрнини ғоявий-бадий даражаси анча юксак бўлган янги театрга бўшатиб берган бўлса-да, яшаш ва ривожланишда давом этди.

Янги даврда қизиқчилар ва масхарабозларнинг ўйинларидаги камчиликларга барҳам берилиб, уларда бадийликка, ширадор сўзга, бежирим ҳамда мазмунли ҳаракатларга эътибор берилди бошлади. Натижада, қизиқчи ва масхарабозларнинг чиқишларидаги ижодий маданияти ўсди.

Қизиқчилар маданиятида, эстетик такомиллашувида янги типдаги профессионал санъатнинг шарофатли таъсири муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қадимги театр ва янги театр намоёндаларининг ижодий ҳамкорлиги натижасида халқ томошаси замонавий сахнага чиқди, у билан боғлиқ ҳолда “сахна қизиғи” номини олган янги комиклар ҳам майдонга келди.

Бу даврга келиб халқ ҳажвкорлари санъатининг вазифаси ҳам ўзгариб борди. Энди йирик ва мураккаб ижтимоий масалалар билан, асосан, имкониятлари кенг бўлган янги типдаги театр шуғуллана бошлади.

“Шундай вақтлар бўлганки ўзбек анъанавий театри умуман профессионал санъат тури қаторига киритилмаган ёки бундай театрнинг яшаб, асрлар давомида халқ маданий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келганлиги шубҳа остига олиб келинган. Ўзбек анъанавий театри кейинги йиллардагина фанда мутассил ўрганила бошланади. Кейинги йигирма йил бу соҳада ажойиб ютуқларни олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда, нашр этилган профессор М.Қодировнинг икки йирик тадқиқотида ўзбек халқ театрининг эраמידан аввалги ҳаётдан XX асргача бўлган тарихи жуда бой тарихий – этнографик, филологик ва фольклористик материаллар асосида ёритиб берилган. Ўзбек театрининг турли масалаларини ўрганиш ва ёритишда Т.Турсунов, Т.Обидов кабиларнинг ҳам изланишлари қимматли бўлгандир.

М.Қодировнинг кейинги ўн беш-йигирма йиллик тадқиқотчилик фаолияти халқ театрини ўрганиш билан боғлиқ. Унинг ўзбек театрининг ўтмишига, оғзаки драма таҳлилига, кўғирчоқ театри тарихига доир қатор монографиялари эълон қилинди.”Ўзбек театри анъаналари” унинг ўзбек халқ

театрини ўрганиш бўйича олиб бораётган кўп йиллик изланишларининг якуни сифатида дунёга келди”.⁹

М.Қодировнинг ўзбек театри ўтмиши устида тадқиқот олиб борди. У анъанавий театр тарихи, оғзаки драма таҳлили, қўғирчоқ театр тарихига доир қатор монографияларни эълон қилди. “Ўзбек театри анъаналари” китоби унинг кўп йиллар изланишларини якуни сифатида дунёга келди.

Китобга қадимий ўзбек театрининг энг сўнгги даври XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср аввалидаги босқич асос қилиб олинган. Анъанавий театрининг ўзбек театрини барпо этишда унга замин бўлиб хизмат қилган даври, прогрессив ижтимоий ўзгаришлар, рус, озарбайжон, театрлар маданияти таъсирида демократик йўналиш кучайиб, хажвкорлик тиғи янада ўткирлашиб, ўз ҳаётининг янги поғонасига кўтарилган давридир. Шу билан бирга, ўтмишдан сақланиб қолган бир қатор пьесалар, анъанавий театрининг ижрочилиги, режиссураси хусусиятлари, шу даврда фаолият кўрсатган санъат арбоблари ва уларнинг шогирдлари орқали бизнинг давримизгача етиб келган. Демак, муаллиф тадқиқотга ўзбек анъанавий театрининг жуда муҳим босқичини асос қилиб олган.

XX асрда ўзбек театри ижтимоий-тарихий муҳит, маданий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда шаклланди ва гуллаб яшнади. Мана шу жараёнда унинг Европа ва жаҳон халқлари театри ютуқларига суяниш оқибатида олға тез силжиб борганлигини кўраемиз. Шу қаторда ўзбек театри ўзининг барпо топиши, кенг қулоч ёйиб юксалиши давомида ўзбек миллий маданий анъаналарига қатъий суянган. Мана шу икки қудратли манба ва уларнинг ўзаро муштараклиги масаласи ўзбек театри тараққиёт хусусиятларини белгилашдагина эмас, унинг бундан кейинги ривожини белгилашда жуда катта аҳамиятга эга. Бу икки қудратли манба ва уларни ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги масаласи ўзбек театри тараққиёти хусусиятларини белгилашдагина эмас, унинг кейинги ривожини белгилашда ҳам жуда аҳамиятга моликдир.

⁹“Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1976 й 7 декабр, 96-бет.

Биз М.Қодировнинг китобларини ўқир эканмиз унинг учдан икки қисми анъанавий театр спецификаси, актёр ижрочилиги хусусиятлари, локал стиллари, репертуар, жанр ва бадиийлик муаммолари таҳлилини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон воҳаларида анъанавий театрнинг ривожланиш даражасини аниқлаш, театрлар ижросидаги умумийлик, ўзига хослик ва режиссурага хос умумий тамойилларнинг тадрижий ўзгариши, қатъийлашуви масалаларини кўрамиз.

“Чўлпон, Қаландар, Мирзақаландар, Андижонлик” каби таҳаллуслар билан ижод қилган Абдулҳамид Сулаймон ўғлининг туғилган йили ҳозирги кунгача ҳужжатлар асосида узил кесил аниқлангани йўқ. Чўлпоннинг синглиси 1908 йилда Андижонда туғилган Фоиқа Сулаймон қизининг ўғли Ў.Мирзахўжаев ёзади “Онамизнинг гувоҳлик беришича, акаси Чўлпон 1898 йилда туғилган, унинг йили сак бўлган. Андижон зилзиласи пайтида (1902 йил), деб эслайди онамиз, тоғанг тўрт яшар бола экан. Аммо ҳужжатларда нечанчи йил деб ёзилгани менга маълум эмас”.¹⁰ Ў.Мирзахўжаевнинг ёзишича, Чўлпоннинг отаси замонасининг пешқадам зиёлиларидан бўлган. У ўғли Абдулҳамидни ҳар томонлама баркамол зиёли бўлиб етишишини истаб яхши таҳсил олиши учун эски мактабга беради, у ерда хат-саводини чиқаргач, Андижон ва Тошкент мадрасаларида ўқитади. Чўлпон ёшлигидаёқ шарқ адабиётини, айниқса форс, араб, турк адабиётини шу қадар севиб қоладики у бутун умри давомида Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Умар Ҳайём, Жалолоддин Румий, Алишер Навоий, Тавфиқ Фикрат номи Камол, Абдулла Тўқай каби буюк сўз санъаткорларининг асарларини мутолаа қилишдан, ёд олишдан тўхтамайди. Аммо даврнинг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги сабаб янги ижтимоий муҳитда самарали фаолият олиб бориш учун у Андижонда очилган рус-тузем мактабига кириб ўқийди, у ерда бир қанча дунёвий илмларни айниқса, рус тилини мукаммал ўрганади. Рус тили эса Чўлпон учун нафақат Россия балки бутун Европа тарихи ва маданиятини ўршанишга кенг йўл очиб беради. Шундай қилиб, Чўлпон 16-17 ёшга

¹⁰Ў.Мирзахўжаев. Шоир хонадони бисотидан). “Коммунист” газетаси, 1988 й. 17 июнь.

киргандаёқ ҳам шарқона, ҳам европача ҳар томонлама пухта билим олган, илғор фикли зиёли бўлиб етишади. Унинг ўсиб улғайишида баркамол шахс сифатида шакилланишида 1905 йилдан сўнг Туркистонда кенг қанот ёзган маърифатчилик ҳаракати, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби демократик кайфиятдаги сиймоларнинг асарлари катта рол ўйнайди.

Чўлпон тахминан 16 ёшида ижод қила бошлайди. тарихий ҳужжатлардан дастлабки асарлари “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” каби маҳаллий газеталарда шунингдек, Оренбургда чиққан “Шўро” журналида босилгани қайд этилган.

“Адабиёт надур” деган мақоласида Чўлпон ёзади “Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турган вужудимизга, танзимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила хираланган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керактур. Адабиёт яшаса миллат яшар: адабиёт гулламаган ва адабиёт тараққийсига чолинишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйидан фикран маҳрум қолиб секин-секин инқироз бўлур. Буни инкор қилиб бўлмас.”¹¹

Чўлпоннинг бу мулоҳазалари йиллар ошса ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Чўлпон ўша даврнинг адабий муҳитидаги етакчи анъаналарига амал қилиб ижодида маърифатчилик ғояларини тарғиб ва ташфиқ этади. У халқ бошига тушган кулфатларнинг бош сабабчиси жаҳолат деб билади ва жаҳолат ҳамда хурофот ботқоғидан қутилишнинг бирдан бир омили илмга маърифатга интилиш деб ҳисоблайди.

Чўлпоннинг илк ижод намуналаридан бири “Доктор Муҳаммадиёр” ҳикоясидир, бу ҳикоя XX аср бошларидаги ўзбек маърифатчилик адабиётида ўзига хос ўринга эгадир.

Чўлпон ёш бўлишига қарамадан, фақат ижоди орқали эмас балки амалий фаолияти орқали ҳам ҳаётда маърифат йўлларини кенг ёйишга

¹¹Ҳасанов.М, Ахмедов.С., “Эрк куйчиларидан бири” Т. Адабиёт ва санъат 1988й. 135-бет

ҳаракат қилади. Мўминжон Муҳаммедов ўз хотираларида ёзади: “Абдулҳамид ҳар куни хусусий равишда русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб русча газеталарни ҳам ўқиб турарди. Қариндош уруғларининг болалари ва маҳалла болалари унинг тарғиботи орқасида Андижонда очилган янги усул мактабларига кириб ўқий бошлаган эди. Отасининг бу якка-ю ягона ўғли ўша вақтдаги кўп ахмоқ бойвачалар сингари кайф-сафога берилмасдан кўп вақтини маърифат билан ўтказар эди. Ўша вақтдаги тўсқинликларга қарамасдан ҳатто 7 яшар синглисини ўз маҳалласининг бир четида очилган янги усул татар қизлар мактабига берган.”¹²

1920 йилларга келиб Чўлпон жуда фаол ва самарали ижод қилади. Унинг хилма хил асарлари газета ва журналлардан ташқари айрим тўпламларда ҳам чоп этила бошлайди. 1920 йилда ўзбек шеърлятидаги илк тўпламларидан бири – “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламида нашр қилинади. Шу тўпламда Чўлпоннинг 13та шеъри берилади, булар орасида ғоят теран мазмунли бадий жиҳатдан мукамал бўлган “Гўзал”, “Сўнгги чокларда”, “Қаландар ишқи”, “Уйқу” каби шеърлари бўлган.

1920 йилда Чўлпонни Туркистон вакиллари қаторида Бокуга Шарқ қурултойига юборишади. Мана шу қурултой Чўлпоннинг маънавий ўсишида муайян рол ўйнайди. Энди унинг шеърларида мазлум шарқ мавзуси мустамлакачилик сиёсатига қарши мотивлари кучаяди, эркин куйлаш янада теранроқ мазмун касб этади.

Чўлпон илғор маърифатчилар қаторида театр соҳасида ишлай бошлайди – ўзи катта-кичик драматик асарлар ёзади. “Халил фаранг”, “Чўрининг исёни”, “Ёрқиной” каби асарлари театр сахнаси учун ёзилган илк асарларидир. У рус тилини яхши билгани учун рус ва ғарб драматургларининг асарларини таржима қилади. “Маликаи Турандот”,

¹²Муҳаммаджонов М. “Турмуш урунишлари” Т.1964й. 130бет

“Ревизор” каби асарларни моҳирона таржима қилади. Адабий эмакдош сифатида театрда ишлар экан театрга келган кўпгина асарларни таҳрир қилади, айрим мусикали драмаларга кўшиқлар ёзиб беради, сахна асарлари ҳақида, режиссёрлик санъати тўғрисида, ижрочилик маҳорати ҳақида мақолалар ва тақризлар эълон қилади. 1924 йилда Москвада Маориф уйи қошида ёш ўзбек артистларининг профессионал маҳоратини ошириш учун драматик студия ташкил қилинади. Бу студияда таълим олиб кейинчалик Ҳамза театрининг шон-шуҳратини таъминлаган бир гуруҳ истеъдодли санъаткорлар етишиб чиқади. Чўлпон театр-студиясидаги ёш артистлар билан бирга Москвага келади, айти чокда, адабий эмакдош бўлиб ишлайди ва рус забон педагог-режиссёрлар билан ўзбек артистлари орасида таржимонлик вазифасини ўтайди. Шу студияда таҳсил олган Сора Эшонтўраева ва Замира Ҳидоятваларнинг хотира дафтарларида ёзилишича студиядаги ёш ўзбек актёрлари Чўлпондан жуда кўп нарса ўрганишган. У студияда рус ва ғарб театри санъатига доир, машҳур драматургларнинг ҳаёти ва ижодига доир лекцияларни маҳорат билан таржима қилган, ўзи ҳам театр санъатига доир, машҳур драматургларнинг ҳаёти ва ижодига доир лекциялар ўқиган. У, айниқса, Гоцци, Шекспир, Мольер каби драматурглар ижодини чуқур билган ва улар ҳақида мароқ билан гапириб берган. Шу билан бирга, Чўлпон ёш артистларга ўзбек тилининг нормаларини ўрганишда, уларга нутқ санъатининг сирларини сингдиришда ҳам кўп ишлар қилган.

Чўлпон ўз навбатида М. Уйғур билан сахна нутқига оид масалалар билан ҳам шуғулланган. Улар ўзбек тилига кириб келган араб ва форс сўзларини қандай ясалиши, маъноси ва қандай талаффуз қилинишини студия актёрларига ўргатиб борган. Натижада сахна нутқи миёрларини ишлаб чиқишган.

“Драматик асар ғоясини очиш сахна нутқининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунда туб маънонинг роли катта бўлиб, ўз ичига сахна нутқи, умуман театр ижодчилигининг кўпгина масалаларини қамраб олади. Бу

ўринда сахна тилининг грамматик ва диалектал томонлари юзаки қараганда туб маънога унча алоқаси йўқдек тушинилсада, унинг очилишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиздир.”¹³

Чўлпон актёр ҳақида: ...Актёрга аҳамият бериш, демак сўзга аҳамият бериш демакдир. Актёр, театр санъатининг актёри ҳар қандай таркибли (конструктив) сахнада ҳам сўзлайди, гапиради, чиройли сўз чиройли қилиб гапирилса, томошабинга таъсири бўлмай иложи ёъқ...

...гўзал ва усталарча ўйнагон актёр гўзал ва усталарча гапиришни ҳам билсин. Шундай бўлғонда ўюн билан сўз бирлашиб томошани тўлатади...

...Самимийлик, ролни англаб ўйнашлик, сахнада эркин бўлишлик керак... Бизнинг сахнамизда баъзи бир артистларимиз жуда сиқилиб, тортиниб ўйнайдилар. Сахнада эркин бўлса, у энг керакли нарсадир.

...сахнада кечирма (перживание) билан ўйнаш ёъсини бор. Бизнинг кўпгина актёрларимиз бу ёъсинга ўзларини яқин келтирмасликка тиришиб "ёъқ, мен кечирма билан ўйнамайман!" десалар-да, уларга унча ишоналмайман. Ёлғиз техника билан ўйнаш учун жуда зўр санъаткор бўлиш керак. Актёр ўз ролига қизиқиб ўйнаса, бироз кечирмага ўтмай иложи ёъқ. Фақат ҳунар шундаки, ақл пойлоқчиси ҳамма вақт пойлаб турсин ва актёрга унинг сахнада эканини, бутун бу нарсалар бир ўюндан иборат эканини, сахна чегараларидан чиқиш ярамаганини доим эслатиб турсин¹⁴.

Чўлпоннинг энг баракали ижоди тахминан унинг 25-30 ёшларига тўғри келади. Шу йилларда у “Уйғониш”, “Булоқлар”, “Тонг сирлари” деган учта тўпламни эълон қилади. Улардан ташқари, “Гўзал ёзғичлар” ва “Адабий парчалар” деган китобларда унинг анчагина шеърлари босилади. 1926 йилда “Ёрқиной” драмаси алоҳида китоб тарзида чоп этилади. Шу йиллар орасида бир қанча ҳикоялар ва мақолалар ёзади, ундан ташқари ўнлаб шеърини ва насрий асарларни ўзбек тилига таржима қилади. Улар орасида Эжен

¹³Пўлатов И. Сахна нутқи. Т. Ўқитувчи. Наш. 1994. 42бет.

¹⁴ Чўлпон. "Адабиёт надир", 82 ва 142-бетлар.

Потьенинг “Байналминал”, Робендранат Тагорнинг “Ҳой йўловчи қиз”, Монид Андреевнинг “Етти осилган қиссаси” асарлари бўлган. Унинг бу меҳнатлари уни эл орасида машҳур қилган, обрўйига - обрў қўшилган, адабиётнинг ўша вақтдаги пешқадам намоёндаларидан бирига айланган.

XX асрнинг энг фожиавий палласи, мудҳиш 30-50 йиллар шароити ҳисобланади. Бу даврдаги адабий жараён мустабид яккаҳоқимлик мафкураси, шўроларнинг адабий сиёсати таъсири ва тазйиқи остида кечади. Натижада бундай ҳол ёзувчиларнинг ижодий тақдирида бир қанча нохуш асоратлар қолдиради. Маъмурий буйруқбозлик усуллари кучайиб, инсонпарварлик қадриятлари оёқ-ости қилинади. Эркин ижодий фикрлашга имкон беришмайди.

Чўлпоннинг 30 йиллар бошларида ёза бошлаган “Кеча ва кундуз” романи бу мураккаб ва зиддиятли даврда, адабий танқидчиликнинг унга қарши хуружлари янада кескин тус олган, юқори суд жараёнларида навбат унга етгани ишора қилинган, тинчроқ яшаш ва, муҳими, омон қолиш учун Москвага бориб яшашга мажбур бўлган бир даврда яратилган эди.

Чўлпоннинг ижодига нисбатан бўлган бўҳтонлар, баъзи бир унинг ижодини кўра олмайдиган калтафаҳм ёзувчиларни уни асарларини ёмонлаб ёзган мақолалари аста-секин ўз кучини кўрсата бошлаган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кометитининг биринчи котиби Акмал Икромов Ўзбекистон маданият ходимларининг 1927 йил 4-5 октябрдаги 2 – Қурултойида “Мафкуравий жабҳадаги кураш ва маданият ходимларининг вазифалари” деган мавзуда доклад қилади. Докладнинг “Матбуот ва адабиёт” деб аталган сўнгги қисми тўлалигича Чўлпон атрофидаги баҳсга бағишланган бўлиб, унда шундай мулоҳазалар бор: “Бизда Айнинг (Олим Шарафутдиновнинг тахаллуси) Чўлпон ижоди ҳақидаги танқидий мақоласи баҳонасида қатор мунозаралар бўлиб ўтди. Айн Чўлпон ижодининг ғоявий тутуриқсизлигини тўғри таъкидлади. Бу тақризнинг адабиётшунослик жиҳатидан қандай қимматга эгаллиги ҳақида гапиришга журъат этмайман,

фақат шуни такрор айтаманки, мафкура соҳасида шундай соғлом танқид бўлиши зарурлиги шак-шубҳасиздир.”¹⁵ Акмал Икромов Чўлпон ижодига баҳо берар экан, унинг асарларида бизнинг воқелигимиз таҳқир қилинади ва буржуа тузуми кўкларга кўтарилиб мақталади, деган мулоҳазани айтади. Энг ачинарлиси шундаки Акмал Икромов Чўлпоннинг истикболига ҳам қора чизик тортади, унинг келгусида “совет шоири” даражасига кўтарилиши мумкинлигига шубҳа билдиради. Яна у ўз докладида шундай дейди.: “Шунингдек Чўлпонни қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги масала ҳам баҳслидир.” Акмал Икромовнинг бу гаплари Чўлпон устига ёпирилиб, уни тилка-пора қилишга ишорадай бўлади. Чўлпон Қурултой ҳайъатига арзнома билан мурожаат қилади ва унда сўнгги йиллардаги баъзи бир шеърларида “миллатпарастлик” кайфиятлари борлигини тан олган ҳолда, ўзига қўйилган сиёсий айбларнинг ҳаммасини рад этади. Аммо шоирнинг адолатга чақирган бу хитоби, ҳақиқат умидидаги бу ҳайқириғи беҳуда кетади. Қурултой ортиқ қурултой бўлмай қолган эди. У қонсираган оломондай на мантиқни тан олар на инсоф диёнатни йўлини тутар эди. Чўлпонни қурултойдан ҳайдаб чиқаришади. Бу тузумга мустақил фикрлайдиган, халқ ҳаётини паст-баландини таҳлил қила оладиган, бошига қилич келса ҳам ҳақиқатни айтадиган ёзувчилар керак эмас эди. Чўлпон шу сиёсатни биринчи қурбонларидан бўлди.

Уни қурултойдан ҳайдаб чиқариш учун қўл кўтарган “маданият ходимлари”, Чўлпонни қоралаб чапак чалганларида, аслида ижод эркинлигини кўмиб, унинг гўри устида мотам маршини чалишган эди.

Чўлпоннинг осмонида қора булутлар қуюқлашган эди. Унинг ҳаёт даврининг фожеавий драмаларга, ҳақоратларга, хўрликларга тўла йиллари бошланган эди. Бу азоблар оз эмас, кўп эмас ўн йил давом этди. Шу йиллар ичида руҳий изтироблар шоир жисмини кемириб, асабларини қақшатади. У қанд касалига мубтало бўлади. Унинг асарларини ҳеч бир газета журналларда

¹⁵Икромов А. Избранные труды. Том-*1. Т. 1972г. 331-332ст.

чоп этишмайди. Унинг номи руйхатлардан ўчирилади, дўсту-ёрлари уни кўриб қолгудай бўлишса уни кўрмагандек кўчани бошқа тарафига ўтиб кетишади. Ҳар лаҳзада қамалишини сезиб, хавотир ичида кунларини ўтказа бошлайди. Лекин Чўлпон метин иродали, бардошли бўлгани сабаб шундай мудҳиш кунларда ҳам меҳнатдан, ижоддан тўхтамайди.

Адибнинг “Кеча ва кундуз” асари ана шундай таҳликали кунларда яратилган асардир. Чўлпон ўтмиш мавзуси Туркистон халқларининг инқилоб арафасидаги ижтимоий ҳаёт воқеаларига мурожаат этади. Адиб ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни борича кўрсатиш билан бирга, тақдирга тан бериб, бошини ихтиёрий равишда кундага қўяди. Шоир адабий – ижтимоий фаолиятининг бошиданок юрт озодлиги, юрт ишқи билан яшаган, шу боис ҳам қатор асарларида ўзини ошиқ сифатида талқин қилган.

Чўлпон ҳақида икки аллома шарҳи: ...Чўлпон ҳақиқий байналмилалчи эди. Айни чоғда байналмилалчилик унга буюк миллатпараст бўлишга халақит берган эмас. Аксинча, Чўлпон табиатидаги бу икки жиҳат бир-бирини тақозо этган, бир-бирига таянган, бир-бирини тўлдирган. Чўлпон ўз халқини жуда севар эди, чунки унинг бугунини ҳам, ўтмишини ҳам жуда яхши билар эди. Чўлпон дунёдаги биронта халқни камситмаган ҳолда ўзбек халқини бой тарих яратган, дунёга буюк санъаткорлар, шоирлар, олимлар, мутафаккирлар етказиб берган халқ деб биларди. Баъзи бир оврўпалик калтафаҳм ва бефаросат одамлар ўзбекларни "осиёлик" деб таҳқирлаган, уларни ярим ёввойи тарзда ҳаёт кечирадиган маданиятсиз нодонлар деб чуввос солган, "майда миллат" деб пастга урган бир шароитда Чўлпон бу халқнинг мислсиз маданияти, жуда бой руҳияти, букилмас эътиқоди ва пок иймони, мазмундор тарихи учун ифтихор қилди ва бу ифтихорни кўпгина асарларида, шу жумладан, танқидий, мақолаларида баралла айтишдан чўчимади. Табиийки, Чўлпоннинг оташин миллатпарварлиги уни миллат истикболи учун қайғуришга ундарди, шунинг учун миллат баданидаги ҳали ўчмаган кишан излари ҳақида фиғон қиларди, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка

бошига кўланка ташлаб турган қора булутлардан нафратланар, на охи, на фарёди бор сустлашган юракларни эрк учун, инсоний кадр-қиммат учун курашга чорларди. Бир замонлар Пушкин ўз сози билан одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотганидек, Чўлпон ҳам эзилганлар ва таҳқирланганлар юрагида эркакка иштиёқ туйғуларини уйғотди. У мақолаларида халқ қалбида миллий ифтихор туйғуларини уйғотишга алоҳида эътибор берди, бу ёлда ҳар бир имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилди. Негаки, миллий ифтихор туйғусидан маҳрум одам эса инсоний кадр-қиммат учун курашмайди¹⁶.

...Чўлпон теран ва нозик мусиқий туйғуга эга шахс эди. У туйғу шоири эди, шунинг учун шеърлари мусиқийдир. В. Яннинг хотирлашича, Чўлпон ўзбек кўшиқчиларинигина эмас, балки бошқа туркий халқлар ашулаларини ҳам ижро эта олар эди ва у борганда Чўлпон Шарқ халқлари кўшиқларини айтиб беради. Чўлпон яхши дутор чала билган. Шарқ ва Европа мусиқа асбобларини ҳам яхши билган. "Украина халқ бандурачилари" мақоласида бандуранинг мандалинадан фарқи хусусида бандуранинг "овози нозик, таъсирли ва ёқимлидир" дейди.

Чўлпон ички туйғу билан келажакда бошига ёғиладиган навбатдаги туҳматларни ҳис қилган эди. Унинг театр, умуман адабиёт ва санъат соҳасида миллий анъаналарни ривожлантириш керак, халқ ижоди, классик мусиқа, ўтмиш адабиёти бугунги ўзбек маданиятини ривожлантиришда асосий омилдир, деган эътиқоди ва уринишларини миллатчилиқ деб талқин қилишди¹⁷.

... Мен Чўлпон акани ҳам (Ҳамза қатори - С.Т.) устоз сифатида тан олдим. Хизмати қилдим. У билан уч йил Москвада, Тошкентда Самарқандда учрашдим, ҳамсухбат бўлдим.

¹⁶Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон қаҳрамони. "Адабиёт яшаса - миллат яшар..." Чўлпон. "Адабиёт надири" адабий-танқидий мақолалар мажмуи, 1994-йил, 21-22-бетлар.

¹⁷ Салоҳиддин Мамажонов. "Чўлпон ва театр", "Нафосат" журнали, 1992-йил, 1-2-сонлар. К. ЯШИН ЧЎЛПОН ҲАҚИДА

Ҳалима Носирова билан турмуш қуриб, яшай бошлаганимизда эса, девор-дармиён қўшничилик қилдик. Бир-биримиз билан тотув ва яхши муносабатда яшадик... Бироқ мен, очиқ айтаман: "Чўлпон менинг устозим бўлади деб айтолган эмасман. Чунки бу менинг учун ҳавfli эди... Атрофимда фикри бузуқ, иғвогар шахслар ёъқ эмас эди...

Чўлпон - катта ғояли улуғ шоир, чинакам санъаткор шоир, отахон шоир. Чўлпон аканинг жуда ўткир, ширин, оммага ёқадиган бой тили бор эди. Айни шу хислатлар Ҳамзага ҳам хос эди. Бу иккаласининг тили жуда халқчил."¹⁸

¹⁸Академик Яшин билан М. Саъдий суҳбати. Чўлпон, Ҳамза менинг тақдирим "Ўзбекистон адабиёт ва санъати" 1995 й. 18 август. 33-сон.

II Б О Б. Ёшларни миллий руҳда тарбиялашда Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарининг тарбиявий аҳамияти.

2.1. Ёшларнинг ўзлигини таниб билим олиши, маърифатга интилишида Чўлпон асарларининг ўрни.

Чўлпон ўз ижодини публицистик мақолалар эълон қилишдан бошлаган бўлса-да, бутун умр шоир бўлиб қолди. Аммо унинг поэтик истеъдодини насрий асарларида ҳам барқ уриб турганини кўрамиз. У янгиликка интилиб яшаган ижодкордир. “Янги адабиёт қандай бўлмоғи зарур?” деган саволни ҳам биринчилардан бўлиб ўртага ташлаган ва унга ҳам назарий, ҳам амалда жавоб беришга интилган ижодкордир. “Чўлпон насридаги реал ҳаётдан олинган қаҳрамонлар қадим достон жанрномалар қаҳрамонлари қатори халқ кўнглидан жой олди.”¹⁹. Унинг илк насрий ижодида “Дўхтир Муҳаммадиёр” ҳикояси алоҳида ўрин тутди. Бу ҳикоя ўзбек маърифатчилиқ адабиётида ҳам ўзига хос ўринга эгадир. Ҳикоянинг бошланишида “Туркистоннинг қоронғу бир гўшасида... номлик уездни(й) шаҳарда” деган сўзларга дуч келамиз. Муаллиф сарлавҳа остидаёқ ҳикояга “хаёлий” деб таъриф беради. Бу асарда муаллифни Туркистон ўлкаси, унинг келажаги ҳақида куйиб-ёниб бош қотириши, ҳалқини жаҳолат ботқоғидан, нодонлик исканжасидан қутқарувчи омилни излаши аҳамиятлидир. Ҳикоянинг бош қаҳрамони етимликда ўсган Муҳаммадиёр бўлиб, у отасининг ўлиmidан қаттиқ изтиробга тушади, ўзининг душмани жаҳолат эканини тушуниб етади ва “жаҳолат ила чиндан олишмоққа қарор қилади. Жаҳолат ила олишмоқнинг қуролини эса отаси айтиб кетган эди, яъни жаҳолатга қарши тўп, милтиқ, тўппонча, ханжар, ўқ-дори эмас, ёлғиз шу “ўқи – ўқи- ўқи” сўзлови эди!..”²⁰

Чўлпон ўз асарида реал муҳит фонида идеал қаҳрамонни, яъни ўқувчи ибрат олиши лозим бўлган фаол шахсни гавдалантиришга ҳаракат қилади. Асар қаҳрамони Муҳаммадиёр етишмовчиликлардан, қийинчиликлардан

¹⁹Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. Т.:2000.-15бет

²⁰Чўлпон А. Асарлар. 11жилд – Т.:Ф. Ғулом . 1993.-272б.

асло нолимайди, фақат олдинга қараб ҳаракат қилади. Отасининг “ўқи – ўқи – ўқи” деб қилган васиятига амал қилиб аввал татар муаллимлари қўлида ўқийди, кейин Бокуда озарбайжон зиёлилари ёрдамида гимназияни тугатади, сўнгра Петербург дорилфунунининг тиббиёт бўлимини тамомлайди. Туркистонга қайтиб келиб, ўз халқини маданиятли, маърифатли қилиш йўлида кураш бошлайди. Ҳикоя қаҳрамони қийинчилик билан эл орасида обрў-эътибор топади. Эли уни улуғлаб “доктор, ходими миллат” деб эъзозлашади.

Ҳикояда қаҳрамон тилидан айтилган сўзлар, унинг зиёли бўлиш учун интилиши аслида муаллифники бўлиб бўларнинг барчаси Чўлпоннинг орзулари эди, холос. Бу орзу XX аср бошларида орзулигича қолиб кетди. Туркистон ҳаётидаги жамики иллатлар илдизини жаҳолат деб билган ёзувчи ўн тўрт ёшли қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, хатти-ҳаракатларини баён қилиш билан бирга ўзининг ибратли қаҳрамон яратишга бўлган кучли интилишини ифодалаб беради. Ҳикоя охирида Муҳаммадиёр уйдан нефт чиқиши натижасида миллионер бўлиб, катта саноатчига айланади.

Чўлпон реал ҳаётдан бир оз чекинган ҳолда, Муҳаммадиёр орқали ўз ниятига мос келадиган жаҳид образи яратишга ҳаракат қилади. Албатта, адиб бироз ҳаёлотга эрк берган. Чўлпон оммага Муҳаммадиёр ҳаёти ва уринишларини ибрат қилиб кўрсатиб, илм ва маърифатнинг нафақат маънавий, балки моддий фойдалари тўғрисида ҳам фикр юритмоқчи бўлган.

ЧЎЛПОННИНГ "ЁРҚИНОЙ" ДРАМАСИВА УНИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ

Асар илк бор 1920-йили М. Уйғур томонидан саҳнага қўйилган. Муаллиф асарни кейинроқ қайта ишлаган ва уни М. Уйғур 1927-йили қайта саҳналаштирган. Бош ролларни З. Ҳидоятлова (Ёрқиной), О. Жалилов (Пўлат), Ш. Нажмиддинов (Ўлмас Ботир), Т. Саидазимова (Қумри) ижро этганлар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссор Носир Отабоев томонидан Миллий академик драма театрида қўйилиши (1994) асарнинг истиқлол даврида яратилган илк талқини бўлди.

"ЁРҚИНОЙ" ҲАҚИДА МАТБУОТ ШАРҲИ

Характерли томони шундаки, сахнага қўювчи ва театр жамоаси драманинг асосий мазмунига зарар етказмаган ҳолда, унинг деярли барча персонажларини сақлаб конфликтнинг моҳиятини тўла бериб, воқеа-ходисаларни қисқартирмасдан янги спектакль яратишга муваффақ бўлганлар. Бу катта ижодий меҳнат самарасидир. Режиссор "Ёркиной"ни сахналаштиришда икки муҳим нарсани назарга олди ва уларга жиддий урғу берди. Биринчиси асарнинг "афсонавий томоша" эканлиги, иккинчиси эса ҳозирги замон учун сабоқ бўладиган жиҳатларидир.

Чўлпоннинг ўзи эътироф этишича, бу асарнинг ёзилишига сабаб кампир онанинг "Тотли ва бой тили билан эртақ (чўпчак) айтиб" бериши бўлган. Шу сабабдан ҳам бутун спектакль моҳиятидан, персонажлар характеридан ва қилмишларидан, воқеа-ходисаларнинг табиатидан халқ ижодининг руҳи сезилиб туради. Бинобарин, спектаклда романтизм устунлик қилади. Адолат ва ҳақиқат учун кураш, чин севгини муҳофаза қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиш, ноҳақликни кескин фош этиш романтизм қобиғига ўраб акс эттирилади.

Пўлат - Ё. Саъдиев энди итоаткор боғбон эмас, исёнкор, қалби қасос ўти билан тўлган довьюрак инсон. Ё. Саъдиев қаҳрамонининг бу фазилатларини, айниқса, Ўлмас Ботир билан бўлган тўқнашувларда яққол очиб беради. Қаҳрамони онгидаги кескин ўзгаришлар, унинг мардлиги, журъати, истеъдодли актёримиз талқинида ҳаққоний ифода этиб берилади. Пўлат - Ё. Саъдиев мамлакатни титратган, хоннинг ўнг қўли бўлган рақибига қарши қилич кўтариб келган Ўлмас Ботирни мағлубиятга учратишида уни маънавий жиҳатдан таслим қилишида, ҳақиқат, исбот унга жуда қўл келади. Даканг хўроздай ховлиқиб келиб, "вит" этиб қочган беданадай бўлиб қолган Ўлмас Ботирнинг асосий хусусиятлари ҳам шу сахнада актёр Ғ. Ҳожиёв талқинида ўз аксини топган. Ҳа, Пўлат - Ё. Саъдиевда ор-номус, виждон, имон жуда кучли.

Артист З. Ашурова бой кизининг ғурурини ҳам, муҳаббати борасидаги самимийлик ва ички лирик туйғуларини ҳам жамулжам қилиб томошабинларга етказа олган. Қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари вазиятга, шароитга қараб кечирган ҳолатлари яққол кўринади. Пўлат билан муносабатида меҳр-оқибат қайнаб тошса, Кал (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Нурматов) билан эса киноя, кесатиклар авж олдирилса, Нишобсой бегига (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист П. Носиров) нисбатан ғазаб ўтлари фавворадек отилиб чиқади. Қаҳрамондаги бу хусусиятларни З. Ашурова маҳорат билан бера олган. Айниқса, унинг истеъдоди бек билан бўлган муносабатда кўзга яққол ташланади. Кал томонидан алданиб, Бекнинг қафасига тушиб қолган Ёркинойнинг тақдири қил устида туради. У ўзининг номусини сақлаш учун барча хийла-ю найрангларни ишга солиши томошабинларга ҳаққоний ва ишонарли қилиб етказилган. Актёр - Р. Ярашова ҳам Ёркиной образини яратишда жиддий ишлаган, айрим муваффақиятларга эришган²¹.

Чўлпоннинг 30-йиллар бошларида ёза бошлаган “Кеча ва кундуз” романи бу мураккаб ва зиддиятли даврда, адабий танқидчиликнинг унга қарши хуружлари янада кескин тус олган бир пайтда, ҳайбатли суд жараёнларида навбат унга етганлигига ишора қилинар, тинчроқ яшаш ва, муҳими, омон қолиши учун Москвага бориб яшашга мажбур бўлган бир даврда яратилган эди.

30-йилларда шўро ҳукумати ҳар томонлама мустаҳкамланади, жамики хунрезликлар – кулоқларни синф сифатида тугатиш, партияни ёт унсурлардан тозалаш, ишлаб чиқариш зараркунандаларини фoш қилиш – буларнинг ҳаммаси омманинг “розилиги ва қўллаб – қувватлашлари” остида амалга ошириладиган бўлди. Ҳаёт шундай қил устида турганида Чўлпон ўтмиш мавзуси Туркистон халқларининг инқилоб арафасидаги ижтимоий

²¹Ҳафиз Абдусаматов, филология фанлари доктори, профессор. "Ёнғoқ остидаги хандак" "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1994-йил, 18-март.

хаёт воқеаларига мурожаат этади. Адиб ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни борича кўрсатиш билан бирга, тақдирга тан бериб, бошини ихтиёрий равишда кундага қўяди. Шоир адабий – ижтимоий фаолиятининг бошиданок юрт озодлиги, юрт ишқи билан яшаган, шу боис ҳам қатор асарларида ўзини ошиқ сифатида талқин қилган.

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида тасвирланган воқеалар биринчи жаҳон уруши эндигина бошланган бир пайтда Ўзбекистондаги вилоятлардан бирида бўлиб ўтади. Бунга мисол қилиб романдаги иккинчи даражали қаҳрамоннинг мана бу сўздан ҳам билиб олишимиз мумкин. “Биз яқинда эшон тўпалони бўлиб ўтган жойдан унча олисда эмасмиз.” Деган сўзларига таяниб, айтиш мумкинки, бу воқеа Андижон вилоятининг Дукчи Эшон кўзғалони бўлиб ўтган Марҳамат туманига яқин бир жойда рўй беради. Бу давр ўзбек халқининг икки томонлама зулм остида эзилган пайти эди. Маҳаллий бойлар бу даврда рус мустамлакачилари билан оғиз-бурун ўпишиб, ўз халқининг тарихий тараққиёти ҳақида эмас, уни иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиш устида эмас, балки ўзларининг хузур-ҳаловатлари, моддий фаровонликлари ҳақида жон кўйдирмоқда эдилар; феодал тузуми ва мустамлакачилик шароитида халқ тўғрисида, юрт тўғрисида ўйловчи, қайғурувчи бирор сиёсий куч йўқ эди. Холбуки инсоният тарихида XX аср бошланган, Ўзбекистонга қўшни бўлган мамлакатларда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда эди. Чунончи, ўзбек юртини мустамлакада ушлаб турган Русиянинг ўзида ҳам 1905 йилда инқилобий ўзгаришлар рўй бериб, илғор рус зиёлилари чоризмга қарши сўнгги зарбани бериш учун 1917 йил воқеалари сари яқинлашмоқда эдилар. Жанубий қўшниларимиз Туркия билан Эронда ҳам миллий инқилоблар рўй бера бошлаб қуллик кишанлари парчалана бошланган эди. Бундай сиёсий ўзгаришлар фақатгина шу мамлакатлар доирасида қолиб кетиши мумкин эмас эди, чунки эртами-кечми мустамлакачиликка қарши ўт аста-секин аланга олиши лозим эди.

Бир томондан, рус муштамлакачилари, иккинчи томондан, маҳаллий амалдорлар ва бойлар ана шу тарихий жараёни тўхтатиб қолишга харчанд уринмасинлар, буни иложи йўқ эди, зеро ҳаёт ўз қонунлари асосида доимо келажак сари ҳаракат қилади.

2.2 Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридаги образларнинг психологикталқини.

Биз Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарини ўқир эканмиз романда тасвирланган воқеаларнинг тарихий ёритилиши муаллиф томонидан жуда моҳирона ифода этганлигини гувоҳи бўламиз. Ёзувчи ана шу тарихий даврни бадиий тасвир ва таҳлил этиш мақсадида асарга Зебинисо (Зеби) образини бош қаҳрамон қилиб олган. Китобхон Зеби образи орқали романда тасвирланган воқеалар оқимига кириб борар экан тилга олинган даврда, бир томонда, оддий халқнинг (Энахоннинг оиласидаги ва Ўлмасжонлар оиласидаги ҳаёт тасвири мисолида кўрамиз), иккинчи томондан, бойлар ва амалдорларнинг (Акбарали мингбоши, Мирёқуб, ноиб тўра оиласидаги воқеани эсга оламиз) қандай ташвишлар ва орзулар билан яшаётгани, қандай турмуш тарзини кечираётганини кўрсатади. Бир томонда ночорлик, кашшоқлик ва жаҳолат кўриниб турса, иккинчи томонда тўқликка – шўхликдан чиққан ўйинлар; хотинбозлик, фахш ва мол-мулк орттириш йўлидаги қабихликларга йўл қўйилади.

Ёзучи Зеби тушиб қолган ана шу тарихий муҳитни шавқатсиз равишда очади. Чўлпоннинг бутун меҳри, ҳайрихоҳлиги Зеби томонида бўлган ҳолда у яшаган замон, у нафас олган ҳаво уни буғувчи ҳаво эканини яширмайди. Чўлпон романдаги реализмнинг кучи шунда айниқса ёрқин кўринади. Асардаги воқеалардан хулоса шуки, Зеби яшаган даврни таг-томири билан ўзгартириш керак. Агарда бу даврда янги бирон-бир ўзгариш бўлмаса, жамиятнинг Зеби сингари пок ва гўзал фарзандлари бўғиб ташланаверса, у ҳолда халқнинг ва ўлканинг аҳволи фавқулодда оғир бўлади.

XX асрнинг 10-йилларидаги ўзбек халқи ҳаёти, асарда тасвирланганидек, ўта мураккаб эди. Унинг мураккаблиги аввало шундаки, Зеби унинг онаси Қурвонбиби, ҳатто отаси Раззоқ сўфи сингари оддий халқ вакиллари Эшон боболар, Акбарали мингбошилар, ноиб-тўраларнинг қўлида ўйинчоқ эди; жамият бу кишиларни истаган куйига солиши, ҳатто эрмак учун, бошқаларга

ўрнак бўлсин учун мавҳ этувчи кучлар – Акбарали мингбошилар, ноиб-тўраларнинг ҳам куни битиб қолган, лекин шунга қарамай, жамиятнинг кейинги тақдирини ўз кўлига олувчи куч ҳали туғилиб, шаклланиб улгурмаган эди.

Асардаги воқеалар илк баҳорда бошланиб, қишда тугайди. Чўлпон асардаги зеби образини баҳор бинафшасига ўхшатади. Романнинг бош қаҳрамони Зебидир. Эндигина 15 баҳорни қаршилаган, ўзбекона табиатининг бинафша сингари беозор ҳамманинг кўзи ва дилини қувонтирадиган бу чечаги Раззоқ сўфидек бадфъел, кўрс ва жоҳил кишининг хонадониди очилган. Агар бошқа муҳитда, инсоннинг, фарзанднинг кадри бор оилада туғилганида у қадар аянчли қисматни бошидан кечирмаган бўларди.

Чўлпон романда нисбатан қисқа вақт ичида бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаган. Зеби асардаги ана шу баҳорнинг жонли тимсоли ўлароқ гавдаланади. Балиқ сув билан тирик бўлгани каби, у ана шу баҳор билан тирик. Агар Зебини ана шу баҳор бағридан юлиб олинса, у кузга бориб албатта хазон бўлади. Чўлпон талқинидаги баҳор – бу фақат табиат фасли эмас; Салти (Салтанат) ҳам, бошқа дугоналари ҳам, Ўлмасжон ҳам шу баҳорнинг инсон шаклидаги кўринишидир. Бу баҳорий муҳитдан бинафша каби узилиб, кузги шудгорга ўтқазилган Акбарали мингбошига узатилган. Зебининг ўзи ҳам сезган бўлиши мумкин. Негаки, у уятчан, ҳаёли қиз бўла туриб аравада босилган бир-икки соатлик йўлнинг ўзидаёқ Ўлмасжонга мойил бўлиб қолади ва кечаси бегоналар даврасидан чиқиб, шу туйғунинг даъвати билан йигит сари интилади.

Ёзувчи Зебининг ҳаётидаги бу унитилмас лаҳзани бежиз муфассал тасвирламаган. Агар Зеби асар давомида бутун бир инсон умрини яшаган бўлса, бу лаҳза шу умрнинг энг тотли дақиқаларидан биридир. Балки Зеби шу бахтли дақиқаларни бошидан кечириши учун дунёга келгандир, деб ўйлаймиз.

Чиндан ҳам , Зебининг қишлоқ сафари туфайли тез ривожланиб кетган фожеали тақдири даҳшатли воқеалар билан тўла. Биринчидан, у отаси тенги кишига, уч хотинли мингбошига турмушга чиқишга мажбур бўлади; иккинчидан, шу бадбашара эри ҳам Зебига аталган захарни ичиб қўйиб ўлади, Зеби ўн беш ёшида бева қолади; учинчидан, у эрининг қотили сифатида тухматга қолиб, етти йилга Сибирга сургун қилинади. Унинг кўргулиги шу мудҳиш фалокатлар билан ҳам тугамайди, қизининг фитна қурбони бўлганини кўтаролмай онаси Қурвонбиби ва отаси Раззоқ сўфи ҳам ғам андухдан бу дунёни тарк этади.

Табиат Зебини ҳеч нарсадан кам қилмаган – хусни-жамолни ҳам, ажойиб гўзал, дилрабо овозни ҳам, ўзбек қизларига хос иффат ва соддаликни ҳам ундан аямаган. Фақат, Зеби тушган муҳитгина уни муте қилиб тарбиялаган. У отаси бадфъел Раззоқ сўфининг раъйига қарамасдан иложи йўқ. Чўлпон бу дунёдаги ноҳақлик ва адолатсизликларни қоралагани ҳолда инсонларни биринчи навбатда фарзандларини Раззоқ сўфи, эшон боболар сингари тарбияловчи кишиларга қаршитуғён кўтаришга чорлайди.

Зеби ўзининг бахтли ёки бахтсиз бўлиши муттасил отасининг бир оғиз сўзида эканлигини билади, аммо, билиб туриб отасига қарши чиқолмайди. Демак, маълум маънода бу фожеанинг юзага келишида унинг ўзи ҳам айбдордир. Агар у муте инсон бўлмаганида, бу ҳолга тушмаган бўларди, албатта.

Ҳар бир инсон ўз бахти учун кураша билиши зарур. Бахт учун, инсонийлик ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш ҳар бир инсоннинг инсоний белгиларидан бирини ташкил этиши лозим. Чўлпон ўз асаарида Зеби орқали шу фикрни олға сурмоқчи бўлади.

Зеби бошига тушган бало-казолар отаси Раззоқ сўфининг муттасиблиги, фарзанди ҳаётига лоқайдлиги сабабли ёғилади. Романда берилган таърифга кўра, Раззоқ сўфи “ кўргазмада кўйилатурган антика махлуқлардан” биридир.

Бу ҳол ҳатто уни илк бор йўргакланган пайтида ҳам маълум бўлган. Унинг ҳали одам кепатасига кирмаган юзларига тикилиб, энага уни бундай сўзлар билан эркалаган экан: “Айланай меҳмон, кимдан хафа бўлиб тушдингиз? Ким озор берди, сизга? Айтинг, қовоғингизни очсангиз-чи! Ёруғ дунёга келдингиз! Шукур қилинг! Севининг! Мундоқ бир кулинг!..” Ўша пайтда ҳам ҳам оғзини очиб илжаймаган Раззоқ сўфи ҳали-ҳануз кулиш нималигини билмайди. Ҳар ҳолда у уйида хотини ва фарзанди олдида тишини оқини кўрсатмаган. Бир пайтлар қишлоқда яшаган сўфи акаси билан “биршапалок ерни талашиб” қолиб ота уйини тарк этган эди. Шундан бери у шаҳарда яшайди. Қайси бир йили ўғай акаси келиб, уч-тўрт кун сўфи укаси билан бирга бўлади, шунда улар хонагоҳга бирга борар эканлар; “Сўфи бир иш пешонасини тутмай, ўтиб кетаётирсиз-а? деди, унга акаси хонагоҳга кета туриб. – Э-э, деди сўфи чўзилиб.., - Менинг давлатим ҳеч кимда йўқ, ака. Эшон бобо – худойимнинг севган кули, нозу-неъмат ҳар тарафдан сувдай оқиб туради. Дарё бўйидамиз-у, чанқаймизми? Ғалати экансиз! Шу кулимсираш билан бир оз юргандан кейин, бу сафар жиддийроқ қилиб деди; - Аҳли аёлимиз ҳам учига чиққан чевар, худога шукур! Ожизамиз ҳам дўппи тикишга фаранг бўлиб чиқди! Рузғорнинг кам-кўстларини ана шу тарзда, ўзлари амаллашади.” Бундан кўринадики Раззоқ сўфи ишламай тишловчи, таъмагирлик ва текинхўрлик орқасида кун кўрувчи инсон. Унинг ташқи қиёфаси билан ички “олами” бир хил; ҳар иккисида ҳам бирор фазилатни топиш амримаҳол. Шунга қарамай, тўғрироғи, шу сабабдан у на хотинини сариқ чақага олади, на ёлғиз қизининг орзу-ҳаваслари билан ҳисоблашади. У бошлиқ бўлган уй қизи ва хотини учун зиндон, унинг ўзи эса шу зиндоннинг кўзи кўр, қулоғи қар қоровули. Ана шу золим отанинг кўнгли фақат бир жойда – Эшон бобонинг хузурида очилади, Эшон бобо унинг бирдан-бир - пири. Унинг учун Эшон бободан бўлак одам - одам эмас !

Акбарали мингбоши биринчи бор Зебига совчи қўйганида, Раззоқ сўфи бундай жавоб беради: “Умрида пешонаси сажда кўрмаган одамга қиз

бераманми?” деган. Лекин мингбоши иккинчи марта – Эшон бобо орқали сўраттирганида сўфи унинг “ бетафик, бузуқ юрадиган” одам эканлигини билган ҳолда, “йўқ” дея олмайди.

Зебининг онаси эрининг иродасизлигидан норози бўлиб уни койиганида Раззоқ сўфи бундай деб жавоб беради: “...Мен кўп олишдим!.. Беномозга қиз бермайман!” дедим. Аммо Эшон бобо унга шундай дейди: “ Сен – бизнинг минг йиллик ибодатимиз-у, уларнинг бир кунлик хизматлари баб-баравар! Мингбоши қанча мўмин-мусилмоннинг ҳожатини чиқаради. Қанча аламзаданинг додига етади, қанча ўғри, киссавур қароқчининг жазосини беради! Қанча ноҳақ бўлган ишларни ҳаққа қарор топқизади. Ибодат ҳам – ибодат, халққа хизмат ҳам – ибодат! Балки кейингиси - аъло!” дедилар, Эшон бобого нима деб бўлади? Мен бир оми одам бўлсам, саводим бўлмаса, оқ-қорани танимасам, у киши мулла бўлса, забардаст бўлса, худонинг буйруғини тушунса; шариатни, тариқатни сувдай билса... нима дейин?” Бу сўзлар Раззоқ сўфининг Эшон бобо олдида ожиз кимса эканлиги, нафақат ўзининг, балки оиласининг эркини, нафақат бугунини балки эртанги кунини ҳам унга топшириб қўйганлиги маълум бўлади.

Агар Чўлпон бош қаҳрамон қизга “Зебо” маъносини англатувчи Зеби исмини берган бўлса, унинг онасини эса Қурвонбиби деб атаган. Адиб бу ном орқали уни Раззоқ сўфидек бадфеъл бир кимсага ўзини-ўзи қурбон қилганлигини таъкидламоқчи бўлган. Чиндан ҳам Қурвонбибининг бутун ҳаёти эрининг қош-қовоғи остида куйиб кул бўлди. Онанинг бирдан-бир умиди қизининг бахтли – саодатли турмуш қуришини кўриш эди. Шунинг учун ҳам Қурвонбиби Акбарали мингбошини Зебини ўзига сўраттирганини эшитиб, қалби ларзага келади, ич-ичидан туғён кўтармоқчи бўлади, гуёки унинг юраги Зебини бошига келаётган фалокатни сезгандай бўлади. Лекин Раззоқ сўфи Эшон бобонинг “Мингбоши қанча мўмин-мусулмоннинг ҳожатини чиқаради... Ибодат ҳам – ибодат, мўмин-мусулмонга хизмат ҳам – ибодат!” деган сўзларига қарши ўзида бирон-бир ақлли гап топа олмайди.

Шунинг учун ҳам эрининг бояги гапига жўяли бир гап айта олмайди, фақат “Мен-ку ҳеч нарса демас эдим.., мана бу қизингиз худди бир суратга айланиб қолди. Қўрқиб ётибман.” - дея олади холос. Унинг эрини берган жавобига нисбатан бўлган қаршилиги фақат шу сўзларни айтишгагина етади.

Бу иккала қулнинг кўзи Зебига тухмат қилиниб, уни қамокқа олиб етти йилга Сибирга сургун қилишганидан кейингина очилади. Аммо уларнинг кўзлари жуда кеч, умрлари Зебининг дарду-ҳасратида, ўкинч, қайғу ва надоматлар орқасида поёнига етган бир пайтда, очилади.

Чўлпон бу асарда Зеби фожеасининг асосий сабабчиси унинг отаси бўлмиш Раззоқ сўфини қоралаш билан бир пайтда, отанинг ўзини ҳам бидъат ва фонатизмнинг қурбони сифатида кўрсатади. Адиб Раззоқ сўфи, Қурвонбиби ва Зеби образлари орқали феодализм шароитида мутелашган, ҳақиқат ва адолат учун курашишга ўзида хоҳиш ва куч топа олмаган халқнинг аянчли тақдирини кўрсатишга интиланган. Шу маънода бу уч образ ўзида XIX асрнинг ярми XX асрнинг бошларида мустамлакачилик шароитида яшаган ўзбек халқининг тарихий тақдирини умумлаштирган.

Романда тасвирланган маҳаллий халқ вакиллари орасида Акбарали мингбоши, ўз мансабига кўра энг баланд мартабали қаҳрамондир. Шу билан бирга, романдаги бирор бир қаҳрамон Акбарали сингари, романдаги қарийиб барча персонажларни ўзида бирлаштириб турган бўлса. Айни пайтда асарда рўй берган асосий воқеа Зебининг ўзгалар тазйиқи остида турмушга чиқиши ва ўзгалар тухмати туфайли қамокқа олиниши ҳам унинг номи билан боғлиқ. Аммо у асардаги салбий қаҳрамондир. Балки, Акбарали мингбошининг ҳам яхши фазилатлари бордир? Яхши ота, яхши умр йўлдоши бўлгандир балки?

Бу саволларга унинг хотини Хадичахоннинг кундошига айтган мана бу сўзлари жавоб бўла олиши мумкин; “... Йўқ ундай деманг... У вақтда куёвингиз ёш эди, мунча катта амалдор эмас эди, ниҳоят, элликбоши эди.

Биринчи хотинидан боласи бўлмаган экан, икки-уч йил умр кўришганидан кейин хотини ўлиб кетган. Мени олган вақтида “кўз очиб кўрганимсан” дерди... Менинг ҳеч бир нолийдиган ерим йўқ. Толиемдан хафа эмасдим... Бунингиз амалдор бўлганидан кейин айнийди. Мингбошилиқ ёмон ҳовлиқтирди. Ўз қишлоғини ташлаб, бу ерга кўчиб келди. Бу катта ҳовлини сотиб олди... Боғ-роғ қилди, ер-сувни кўпайтирди. Кўнгил бошқа савдоларга, ўзга кўйларга тушди.., хотин топадиганлар, маслаҳат берадиганлар кўпайишди.”

Акбарали шу тарзда, мингбоши бўлиши билан маишатга ружу қўйди, хотин устига хотин олди, ичкиликка, фахшга берилди. Уни атрофини хушомадгўйлар, ҳайбаракачилардан иборат ифлос муҳит ундаги носоғлом хирсларнинг авж олиши учун ҳосилдор замин бўлиб хизмат қилди.

Зеби Акбаралиникига келин бўлиб келган куни тўйга келган икки хотиннинг қўйидаги сўзларини эшитиб қолади: “Қизингиз етилиб қолибди, мингбоши додҳога бермайсизми?” дейди улардан биттаси. Яна биттаси овозини чиқариббундай дейди “Буватаккал адирида одам сонидай йўғон илонлар бўлар эмиш. Шуларга берсам бўлмайдими!..” Уларнинг бу захарханда сўзлари маънодан холи эмас эди. Асқаралидек бадбашара, калтафаҳм бир кишига Зебидек ўн гулидан бир гули очилмаган бир гўзал қиз увол эди.

Акбарали ўн уч йилдан буён мингбошилиқ лавозимида ўтирган бўлса ҳам унинг асосий ишларини Мирёкуб бажариб келади. Мирёкуб мингбошининг ҳам қўли, ҳам кўзи. Мирёкуб давлатини мингбоши орқали топгани учун уни не-не кўргуликлардан, қанча-қанча қора кунлардан сақлаб қолди. У шамол қайси тарафга қараб эсишини аввалдан сезиб шунга қараб иш тутадиган шахс. У қачон кимга қандай қилиб яқинлашишни, унга нима кераклигини, ундан нима олиш мумкинлигини аввалдан сезади. У ҳатто ноиб тўра билан муҳандиснинг хуфиёна суҳбатидан янги поезд йўли тушишини билиб олиб, поезд йўли тушадиган ерларни сув текинга сотиб олади.

Мирёқубнинг бу қадар ишбилармонлигини кўрган ноиб тўра уни бежиз америкалик тадбиркорларга ўхшатмайди. У чиндан ҳам ноёб одам; лекин ҳақиқат йўлини ҳали топиб олмаган инсондир.

Китобхон “Кеча ва кундуз” романини ўқир экан, ундаги бош қаҳрамон Зебининг ички оламига кириб боради, у билан бирга қувонади, у билан бирга изтироб чекади. Бундай ҳолат қаҳрамон билан бирга кечиниш ҳолати бошқа қаҳрамонлар билан содир бўлмайди. Зеро ёзувчи китобхонларнинг бутун эътиборини, меҳрини ёлғиз Зебига қаратади. Унинг ғоявий нияти шу образ орқали очилади. Шунинг учун ҳам китобхон Акбарали мингбошига, Раззоқ сўфига, Эшон бобога нафрат билан қарайди. Қурвонбибига ачиниш ҳиссини туяди. Мирёқубга нисбатан эса зиддиятли фикрлар вужудга келади. Китобхонларнинг асар қаҳрамонларига бўлган бундайн фаол муносабати ёзувчининг тасвир маҳорати туфайли юзага чиқади.

Асарда қаҳрамонларнинг характерлари, гаплашиш манералари ҳам ҳар хил. Асарда бир-бирига ўхшайдиган бирорта ҳам қаҳрамон йўқ. Мисол учун: Раззоқ сўфи тилини қимирлатиб гапиришни ортиқча деб билса, хотинига “Фитна” деб мурожаат қилса, Зебининг нутқи тамомила бошқача, унда мулойимлик, гўзаллик, итоаткорлик балқиб туради. Акбаралининг нутқи ўзи каби қўпол бўлса, ноиб тўранинг нутқида муғомбирлик, айёрлик билан иш юритиши кўриниб туради. Мирёқубнинг нутқи ўзи сингари ўзгарувчан, шамол қайси тарафга эсса унинг гаплашиш манераси ҳам шу тарафга қараб ўзгаради. Ана шу ранг баранг нутқлар орасида адибнинг ўзига хос вазиятни таҳлил этгувчи бир нутқи борки, унинг нутқида тасвир этилаётган манзара ё қаҳрамонга қараб, унинг тилидан янги-янги оҳанглар, гоҳ ҳазил-мутойиба, гоҳ пичинг, гоҳ завқ-шавқ ёғилиб туради.

Мирёқуб образини таҳлил қилсак, бу образ жуда мураккаб образ. Уни салбий қаҳрамонлар қаторига ҳам, Зеби янглиғ ижобий қаҳрамонлар қаторига ҳам қўшиш мушкул. У эзгулик билан тубанлик орасида қолган. Акбарали, ноиб тўра сингари тубан кишилар билан бир қаторда юрасада,

кейинчалик Қирим сафари, яна уни мовий кўзли аёл билан учрашиши ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади.

Гегель ўз китобида бадиий тасвир ҳақидаги ўз тушунчасини мана бундай таъкидлайди: “Бадиий тасвир учун зарур бўлган ҳолатда маънавият ва ҳақиқат доимо ўзининг индивидуал шаклини бутунлигича сақлаши зарур.”²² Чўлпон ҳам ана шундай мураккаб шароитда, ўзининг маънавий оламидаги бор ҳақиқатни сақлаб қолади. “Кеча ва кундуз” романида Ш. Хўжаев айрим эпизодлардагина ҳаракат қилган, у асосий қаҳрамон ҳисобланмасда жадиличлик ҳаракатини чуқур англаган, ёзувчининг ғоясини тарғиб қилувчи тўлақонли жадин сиймоси сифатида таассурот қолдиради.

“Ўтмиш баҳона замонасига топиб баҳо берган Чўлпон, айти пайтда, ўзининг ижодий манерасига ҳам ишора қилади, ўқувчиларга ўзининг асарини англаш учун калит беради”.²³ Асардаги Ш. Хўжаев сиймоси ўзига хос калит вазифасини ўтайди. У ўз сўзлари орқали даврнинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган жадиличлик ҳаракатининг сабабларини ва кўламини кўрсатишга эришган. Бу образ орқали ёзувчи ўлканинг мустақилликка эришиши, туркий халқларнинг бирлашиши ва иқтисодий мустаҳкам бўлиши учун шахсий ташаббусга, ишбилармонликка кенг йўл бериш, эркин савдога йўл очиш каби масалаларни ҳам ўртага ташлайди. Мирёқуб, Ҳақимжон, Ҳасанов асарда ўзи кўринмайдиган Абдусамад мингбоши – мана шуларнинг бари жадиличлик ғоясига у ёки бу даражада хизмат қилган қаҳрамонлардир.

Чўлпоннинг талқинича, инқилоб арафасида Туркистонда жадиличлик ҳаракатидан кучлироқ бирон-бир ижтимоий-сиёсий куч мавжуд бўлмаган. Романда ижтимоий-маънавий дунёқарашни ўстиришга ҳаракат қилган ягона қаҳрамон жадиличликка яқинлашади. Мирёқубга йўл-йўриқ кўрсатиш учун асарга Хўжаев образи киритилган. Чўлпон Шарофутдин Хўжаев тилидан жадиличликнинг мақсад-моҳиятини тўла-тўқис баён қилади. Ш. Хўжаев

²²Гегель. Лекции об эстетике: 4том. Т.1.- М., 1971. – с171.

²³Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси. 157бет.

Мирёкуб тақдирига қаттиқ таъсир қилади ва маънавий дунёсида ўзгариш ясайди. Мирёкубнинг характери, карашлари, яшаш принциплари анча шаклланиб қолган. Унинг учун Ш. Хўжаев билан учрашув ўткинчи воқеадай, эпизодик ҳодисадай туюлсада, бу воқеа романнинг асосий ғоявий жиҳатини асослаган сахнадир. Чўлпон романда шундай ёзади: “Миллатни уйғотиш – уйғонганларнинг вазифаси. Мана сиз: анча элик, хушёр, зийрак одам кўринасиз. Иш биласиз экан. Давлатингиз бор экан. Фақат биргина айбингиз шуки, замон аҳволдан хабардор эмассиз. Газет ўқимайсиз. Шу замонда бундан ёмон гуноҳ борми? Қандай яхши газетлар бор Оренбургда, Қозонда, Москвада, Уфада, Бакуда, Астраханда, айниқса Москвада. Уруш битгандан кейин четдан олдириб ўқинг! Бақчасаройга беш сўм пул юборсангиз бир йилгача ҳар куни “Таржимон” келади”.²⁴

Бошқа асарлар сингари бу асарда ҳам бош қаҳрамон образларидан ташқари ёрдамчи образлар ҳам иштирок этиб, муаллифнинг у ёки бу ғоясини ифодалашга хизмат қилади. Асарда Ш. Хўжаев ёрдамчи образ бўлгани билан, марказий образлардан бири Мирёкубнинг сиёсий фикрини шакллантиришга эришади. Мирёкуб Ш. Хўжаев билан гаплашгач, жадидчилик моҳиятини тушуна боради ва “кўзим очилди” дейди, бундан кейинги ҳаётини жадидчилар каби миллат манфаатига, бахт-саодатига бағишлашни ниёт қилади. Поездаги икки кунлик суҳбат Мирёкубнинг карашларини бутунлай ўзгартириб юборади ва унга қаттиқ таъсир қилади, у дунёни ўзгача кўз билан кўра бошлайди.

Юқоридаги воқеа-ҳодисадан маълумки, Чўлпон ўзи англаган ҳақиқатларни ўқувчига етказишни мақсад қилган. Чўлпон XX аср бошларидаги ўзбек халқининг ўтмишини бор мураккаблиги билан янгича нигоҳ орқали бадиий идрок этади. “Жадидлардан кўркманг. Миллатни

²⁴Чўлпон. Кеча ва кундуз. Т. Ғ. Фулом наш. 2жилд. 1994., 124-бет.

билинг, танинг, унга хизмат қилинг, шу билан сиз ҳам жаидсиз . Номингиз миллий тарих бетларига ёзилади.”²⁵

Чўлпон ўз миллатдошларининг эътиқодсизлигини ,миллатнинг фожеси, деб билади. Миллатнинг бошидаги Акбарали мингбоши ва ноиб тўрага ўхшаган тубан кишиларни “кеча”ги кун вакиллари деб ҳисоблайди. Жаҳолат. Адолатсизлик туфайли ҳақ-ҳуқуқи топталган ўзлигидан жудо бўлган халқ ҳаёти ана шундай қоронғулик кўйида тасвирланади. Бу асарда ёруғлик сари интила бошлаган ягона одам (образ) – Мирёқуб ва уни етаклаган Ш. Хўжаевдир. “Кундуз”нинг туб моҳияти ҳам ана шу образ орқали очилади.

Мирёқубнинг характери яшаш принциплари шаклланиб улгурган бўлишига қарамай Ш. Хўжаев билан учрашганидан кейин унинг феълида кескин бурилишлар кузатилади. У ҳам жаидлар томонига ўтиб, Туркистон келажаги учун ҳар қандай эски қолипларга қарши курашга отланади. Мирёқубдаги ўзгаришлар осонликча содир бўлмади. У Ш. Хўжаев билан бўлган суҳбатидан кейин кечалари ухлаёлмай изтиробга тушади. Унинг руҳиятида зиддиятли кечинмалар содир бўлади. Мирёқуб руҳиятидаги кураш, иккиланишлар романда анча батафсил ва ишонарли очилган.

Юрт озодлиги йўлида кураш ва бу йўлдаги муваффақиятсизликнинг сабаблари, инқилобдан кейинги воқелик, мустамлакачиларга қарши нафрат туйғулари барча ҳодисаларга ёзувчи кўзи билан қараган Ш. Хўжаев тилидан ифодаланади. Ижтимоий ҳаётдаги, жамиятдаги инқилобий ўзгаришларга ҳам ёзувчи дунёқарашидан келиб чиқиб муносабат билдиради: “Унинг империя дегани ўрус подшосининг қўл остидаги юртлар. Унда ҳар қайси миллатдан бор, шу қаторда биз шўрликлар ҳам бормиз”.²⁶ Романдаги Ш. Хўжаев образи эса , миллат тараққиёти, озодлиги йўлида жон фидо қилган, Мирёқубга ўхшаган иккиланишлар гирдобида юрган халқ вакилларига ўз таъсирини ўтказиб, уларни ўз ортидан етаклай олиши керак эди.

²⁵Чўлпон.Кеча ва кундуз.. Ғ. Ғулом наш. 2жилд.1994.

²⁶Чўлпон.Кеча ва кундуз.. Ғ. Ғулом наш. 2жилд.1994. 177-бет.

Чўлпон Мирёқуб воситасида жадид англаган ҳақиқатни халққа етказишга интилади. Айниқса, ўсиб келаётган авлодга ҳодисалар моҳиятини англатиш, уларни манқуртга айланишдан сақлаб қолиш учун нималар қилишни англатиш зарур эди. Бу борада Ш. Хўжаев ҳам Мирёқубга шундай дейди: - “Қойил қолган бўлсангиз, миллатга хизмат қилингиз, ғафлатда қолган халқни уйғотингиз, янги мактаблар очингиз! Болаларингизни янгича ўқитингиз”. Мени жадиднинг сўзлари кўзгатиб қўйди, унинг сўзларини мен ҳам бошқаларга худди ўшанинг ўзидай чиройлик ва таъсирлик қилиб гапирсам дейман. Одамларнинг кўзини очсам дейман”

Мирёқуб ана шу тарзда жамият билан муносабатга киришади. Миллатнинг озодлиги, мустақиллиги, тараққиёти учун курашувчи шахс даражасига кўтарилади. У Ш. Хўжаевнинг “Миллат уйғонсин. Кўзини очсин, ўқисин, билим олсин, маданий миллатлар қаторига кирсин, сўнгра у ҳам ўз давлати ўз бахти, ўз саодатини қуради” каби ғояларига қўшилади.

Санъаткор адиб ўз асарида нафақат ҳаёт воқеаларини рўй-рост кўрсата олди, балки асарда бор-йўғи бир воқеада кўринган иккиламчи қаҳрамон воситасида ҳам ҳаёт ҳақиқатини бутун мураккабликлари билан акс эттира оладиган реалист адиб даражасига кўтарилди. Романда ўз аксини топган Чўлпон маҳоратининг хилма-хил усул ва воситаларда зоҳир бўлганини қайд этиш билан, адибнинг биргина жадид образи талқинидаги мураккаб кирраларини ўрганиш билан чекланамиз.

Йигирманчи аср бошларида Марказий Осиёда ҳам қўшни давлатлар сингари маҳаллий зиёлилар Чор Россиясининг истибдоди ва илм-фан тараққиётининг сусайиши туфайли қолюқ аҳволга тушиб қолган халқнинг ижтимоий- маданий турмушини, онги-савиясини кўтариш, миллат онгини тараққий эттириш мақсадида жуда катта маърифатчилик ишларини олиб бордилар.

Тарихдан бизга маълумки, бу даврда ўлка халқлари жаҳолат қурбони сифатида, жаҳон тараққиётидан анча орқада қолиб кетган эди. Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Ҳамза ва Айний сингари маърифатпарварлар ўз халқининг ёрқин келажаги учун катта фидойилик кўрсатишган, уларнинг ижодий меҳнати ҳозирги ёшлар учун ҳам жуда қадриlidir.

Чўлпон ўзининг маърифатчилик ва мустақиллик ғояларини образлар руҳига сингдириб юборган. Давр тазйиқи остида ижод қилган ёзувчи образ сифатларини тўла очиб беришга имкон топаолмаган натижада иккинчи даражали персонажлар ёки ёрдамчи образлар бадиий таҳлил объектига айланган.

Чўлпон ўз сафдошлари Фитрат, Ҳамза, Бехбудийлар каби ўз асарларида қаҳрамонлар тимсолларини яратиш орқали халққа ўз ҳаётини кўрсатиш, уларнинг кўзини очиш каби бадиий мақсадни кўзда тутди. Чўлпон драматургия соҳасида қалам тебратар экан, асардаги воқеани сахна орқали ўқувчи кўзи ўнгида намойиш қилишга интилди. Илмсизлик туфайли жаҳолат қурбони бўлаётган халқ ўз тақдирини, ўз фожеасини Бехбудий, Фитрат, Авлоний, Ҳожи Мўйин ва Чўлпон каби драматурглар ижоди орқали сахнада кўрди ва ундан қутулиш йўлларини англашди.

XX аср бошқа тарихий даврлардан фарқли ўлароқ, ўзбек халқи ҳаётига янги ғоялар олиб кирди. У демократик руҳдаги ўзгаришлар билан бошланган эди. Эрон ва Туркиядаги воқеалар Туркистон халқлари ҳаётига ҳам қатъий таъсир кўрсатган эди. Бу даврда Туркистон халқларини Ғарб ва шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, иқтисодий, маърифий ва маданий алоқалари кучайди. Туркистондаги илғор зиёлиларни Ғарбдаги маданият, тараққиёт фикрларини ўғирлаган эди. Улар ўз асарларида халқни янгиликка, ўзлигини танишга даъват қилишар эди ва шу орқали уларни маънавиятини бойитишга ҳаракат қилар эди.

30-йилларда ўзбек адабиёти ва драматургияси жадал суръатлар билан шўролашиб бораётган бир пайтда Чўлпон ўтмиш мавзусига қўл уриб “Кеча ва кундуз” асарини ёзиши адабиёт ва драматургияни ривожланиш тарихида катта янгилик бўлди.

Биз Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарини ўқир эканмиз ундаги бош қаҳрамон Зебининг кейинги тақдирига бефарқ бўла олмаймиз. Зебининг бошига тушган кўргуликлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Унга ачиниш хиссини туямиз. Зебининг бундай шароитга тушиб қолишининг асосий сабаби унинг ва у сингари ёшларнинг илмсизлигидадир. Асарда яна бир персонаж борки, бу персонаж романдаги барча қаҳрамонлар билан узвий боғлиқлиги билан диққатга сазовор, жадинлар ҳаракатига қизиқиб қолган Мирёкуб образидир. Адиб асарда Мирёкуб образи орқали жадинчилар ҳаракатига қизиқиб қолган ёшларни кўрсатади. Жуда уддабурон олчоқ, мингбоши-ю, ноиб тўраларнинг ўтидан кириб, сувидан чиқадиган бу кимса алал оқибатда ноиб тўраларнинг асл мақсадини тушуниб етади ва ўз ерларида хўжайинлик қилаётган бу рус ноибларига нисбатан кўнглида нафрат уйғониб уларга қарши курашиш йўлини танлайди.

1937 йилнинг куз ойларида Чўлпон қамокқа олинади ва 1938 йилнинг 5 октябрида “аксилинқилобий фаолияти” учун отишга ҳуқум этилади. Чўлпон оламдан ўтганидан кейин ҳам унинг асарлари ёппасига йўқ қилиниб ёқиб ташланади ва Чўлпоннинг номини адабиёт тарихидан бутунлай ўчириб ташлашга ҳаракат қилишади. Унинг қолган асарларини ўзи каби қамокқа тикишиб, темир панжаралар орқасига бекитиб улгуришган эдилар. Аммо 1958 йил шахсга сиғиниш кескин танқид қилингандан кейин – Чўлпонни ҳеч қандай айби йўқлиги исботлангади. 1958 йилнинг январ ойида Чўлпон ҳеч қандай жиноят қилмагани аниқланиб унинг номи оқланади.

ХУЛОСА

Ҳар бир давлат, ҳар бир миллат ўз тарихига, маданиятига эгадир. Бирон бир давлат ёки миллат тарихини ўрганмоқчи, маълумот олмақчи бўлсак, биз шу мамлакатнинг илмий ва бадиий адабиётларига муроҷжат этамиз. Олиму – уломалар тарихий адабиётларида тарих ҳақиқатларини ақс эттирса, адиблар асарларидан шу мамлакат аҳолиси маънавиятини, маданиятини, қадриятларини тушуниб олишимиз мумкин. Улуғ ўзбек адиби Чўлпон айтганидек, ”Адабиёт яшаса –миллат яшайди.”

Ўзбек театри тарихига назар ташлар эканмиз юртимизга Европа типдаги замонавий театрлар кириб келиши билан унга бўлган қизиқиш ва эътибор 10-йилларда жуда кучли бўлган. Европадаги театрлар ҳақидаги янгиликларни халққа етказиш учун Чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасидаги расмий ношири ҳисобланган “Туркистон вилоятининг газети”дан тортиб, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталари, “Ойина”журнали оддий хабарлардан тортиб спектаклларнинг тақриз-ю, театр танқидчилигига оид назарий мақолаларни ёритиб боришган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида ўлкамизга рус, озарбайжон, татар театрлари маданияти кириб келиши натижасида янги мавзулар, янги ғоялар кириб келади, замонавий театр труппаларининг репертуари янги асарлар билан бойийди, спектаклларнинг шакл-шамойили ўзгариб , ташқи маданият таъсирида бир даража ривожланади. Халқ билан бир қаторда анъанавий театр ижодкорлари масхарабоз ва қизиқчиларнинг онги ўсиб, тушунчаси кенгайиб боради.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897-йили Андижоннинг Қатортерак маҳалласида таваллуд топган. Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ҳунармандлик, деҳқончилик билан шуғулланган бўлиб, ўқимишли киши эди.

Чўлпон дастлаб Андижонда эски ўзбек ва рус-тузем мактабида, сўнг Тошкентда мадрасада таҳсил кўради. У 16 ёшидан ижод қила бошлаган, биринчи "Бой" деган пьесасини 1914-йили ёзган.

Чўлпон оташнафас шоир, ёзувчи бўлиш билан бир қаторда йирик драматург, театр мунаққиди ва таржимон сифатида танилди. 1921-йили М. Уйғур бошчилигидаги "Ўзбек Давлат намуна театри"га мудир бўлгач, унинг ижодий ҳаёти буткул театр санъати билан боғланиб қолади. Унинг "Ёркиной", "Ҳалил фаранг" каби пьесалари турли театр труппаларида сахнага кўйилади. 1924-27-йиллар давомида Чўлпон Москвада очилган Ўзбек театр студиясида мураббийлик қилади. Шу труппа учун "Яна уйланаман" пьесасини ёзади, "Ёркиной" драмасини қайта ишлайди ва "Хужум" (В. Ян ҳамкорлигида), "Муштумзўр" ("Замона хотини"), "Ўртоқ Қаршибоев" каби пьесалар яратади.

Театр репертуарларини рус ва ғарб мумтоз пьесалари билан бойитиш Чўлпоннинг диққат марказида бўлиб келди. В. Шекспирнинг "Ҳамлет", Н. Гоголнинг "Ревизор", К. Госсининг "Маликаи Турандот", К. Голдонинг "Икки бойга бир малай", Ж. Молернинг "Ҳасис" сингари пьесалари Чўлпон таржимасида сахна юзини кўради.

У 1920-йиллар давомида театр танқидчилиги соҳасида А. Фитратнинг "Чин севиш", "Або муслим", Х. Жовиднинг "Иблис", "Шайх Санъон", Ғ. Зафарийнинг "Ҳалима" асарларининг сахнавий талқинлари ҳақида тақризлар, "Меерхолд театри", "Москвадаги драмстудиямиз", "Турсуной сахнада" каби мақолалари билан матбуотда чиқади.

Буюк миллатпарвар Чўлпон асоссиз равишда қораланиб, 1937-йили қамоққа олинади ва 1938-йили отиб юборилади. Унинг номи ва ижоди истиқлол даврида тўла оқланди, Республикамиз Президентининг Фармони билан 1991-йили унга Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти ва кейинроқ "Буюк хизматлари учун" ордени берилди.

Замонавий театр ташвиқотчилари жаҳид зиёлилари бўлиб улар халқни маънавиятга, маърифатга, маданиятга етакловчи асосий кучлардан бири театр

эканлигини тушуниб етишади. Жадид зиёлиларидан А.Алвоний, М. Бехбудий, Н.Хўжаев, Б. Аъламов, Ш. Раҳимий, М. Пошшоҳўжаев каби зиёлиларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли 1913 йида “Турон” театр труппаси ташкил этилади. Зиёли ҳаваскорлардан ташкил этилган бу труппа ўзининг миллий ёзма драматургиясига эга эмас эди. Чунки минг йиллар давомида ривожланиб камол топиб келган анъанавий театр асосини оғзаки драматургия ташкил этган эди.

Ёзма драматургиянинг асосчиси Махмудхўжа Бехбудий бўлиб у ўзининг “Падаркуш” пьесаси билан ўлкамиздаги ёш зиёлиларга драматургия соҳасида янги йўл очиб берди. “Турон” театр труппаси 1914 йил 27 февралда Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесаси билан ўз фаолиятини бошлади.

1915-1916 йилларда театр сахнасида Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонму?”, “Пинак”, Ҳожи Муъиннинг “Мазлума хотун” каби пьесалари бирин-кетин сахналаштирила бошланди.

1916 йилда театр труппасига Маннон Уйғурнинг кириб келиши замонавий ўзбек театрини кейинги тараққиёт босқичидаги ўрнини белгилаб берди. 1918 йилга келиб анча тарқалиб қолган “Турон” труппасини “Карл Маркс” номли труппа номи билан қайта тиклаб, ҳар бир труппалардан ҳаваскор ижодкорларни таклиф этади ва театрни бошқаради. Катта-катта асарларни сахналаштиришга ҳаваскор ёшларнинг савияси, малакаси етишмаганлиги сабаб 1924-1927 йилларда Москва ва Боку театр студияларига бир қанча ёшлар малакаларини ошириш учун ва актёрлик маҳоратидан таҳсил олиш учун жўнаб кетишади. Бу жамоага Маннон Уйғур бошчилик қилади ва Чўлпон рус тилини мукаммал билгани учун таржимон сифатида иш бошлайди. Бизнинг бу ҳаваскор ёшларимизнинг ижод йўлидаги бахти шунда бўлганки улар буюк санъат намоёндаларининг ижод мактабини ўташган. Шу йиллар давомида М. Уйғур ва Чўлпон биргаликда бадий тил устида ишлаб сахна нутқи миёрларини ишлаб чиқиб студияда таҳсил олаётган ёшларга жорий қилган. М.Уйғурнинг тилга талабчанлиги туфайли,

у раҳбарлик қилаётган актёрлар жамоаси ўзбек сахна нутқининг мустаҳкам талаффуз меъерини яратилишига муҳим ҳисса қўшиб, кейинчалик Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик театрини ўзбек сахна нутқининг бош мактаби бўлиб қолишига ўз хизматларини қўшишган.

“Москва студиясида мураббийлик қилган таниқли рус режиссёрларидан таълим олиш, Москва театрларидаги спектакллари кўриш, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатган рус режиссёрлари билан ижодий алоқа ва ҳамкорлик қилиш ўзбек актёрлари ва режиссёрлари учун чинакам мактаб бўлди.

Ўзбек миллий театридаҳалққа яқин синтез воситалардан фойдаланиш ҳаракати Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий фаолиятидан бошланган. Ҳамза янги ўзбек санъатини яратишда меҳнаткаш халқ оммасининг диди, бадиий эҳтиёжлари ва савиясини, қадим санъатимиз мероси ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз драматургияси ва режиссёрлик фаолиятида мусиқали драма жанрининг айрим принципларини амалий белгилаб чиқишга эришган. Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Хуршид, Комил Яшин, Уйғур, Иззат Султон, Ҳамза изидан бориб, мусиқали драманинг драматургия ва театр жанри сифатида таркиб топишида катта роль ўйнайдилар.

Миллий маънавият – муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожлантириш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари, у яшаётган ҳудуд, маданий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат тпарихи, ўтмиши, турмуши ва яшаш тарзи, ҳаётининг тартиб-қоидалари ҳамда бу билан боғлиқ миллий хусусиятлар мажмуини ифодалайдиган тушунча. У умуминсоний қадриятлар тизимида миллатга хос энг умумий жиҳатларни акс эттиради.

Миллат – ҳар қандай миллий маънавиятнинг эгаси, миллий маънавият тизими таянадиган ижтимоий асосдир. Миллатнинг таназзули – миллий маънавиятнинг таназзулидир!.

Ҳар бир миллат ўз қадриятларининг яратувчисигина эмас, балки уни асраб-авайловчи ва келажакка етказувчиси ҳамдир. Миллий қадриятларнинг сақланиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи маъсулдир.

Ҳатто бирор империя ёки давлатга қарам бўлган миллатнинг миллий маънавиятини сақлаш туйғуси йўқолиб кетмайди. Миллатни миллий маънавиятининг объекти ва субъекти сифатида тушуниш у билан боғлиқ миллий маънавият тизимини илмий таҳлил қилишга ижтимоий қадрият сифатида қараш имконини беради. Бу эса миллий маънавиятнинг намоён бўлиши, унинг тарихий ривожланиш жараёнида ўтмишдан келажакка томон ҳаракатини таҳлил қилишга имкон яратади. Миллий маънавият кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён бўлади, кишининг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос тарзда таъсир қилади.

Миллий маънавият кишиларнинг ўзаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятида кўзга ташланади ҳамда ана шу муносабат фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўлади. Миллий маънавият ва уларнинг алоқадорлиги ифодаси бўлган қадриятлар тизими, миллатнинг ўзи билан бирга тарих силсиласи, замона зайли, ижтимоий ва сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланади ва ривожланади. Бу қадриятлар кўпроқ миллатнинг этник хусусиятлари ва этник макони билан боғлиқ.

Миллий маънавият миллатнинг табиий-тарихий ривожини, ижтимоий турмуши, яшаш тарзини, ўтмишини, келажакни, маданиятини. Маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, тили, у вужудга келган ҳудуд ва бошқалар билан узвий боғланган. Улар хилма-хил шаклларда, бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлади, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилади. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар – қон-қардошлик, маданий-маънавий яқинлик, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт туйғуси каби тушунчаларни кўриш мумкин.

Сўнгги йилларда адабиётимизда турли жанрда ижод қиладиган адиблар ўз асарлари билан халқимизни севинтирмоқда. Асар қаҳрамонлари, бадиий образлар устида изланиш олиб боришаётган бўлишсада бизни қувонтирадиган жиҳат шуки, асарлар миллатимиз қадриятларини, маънавиятини ёш авлод қалбига сингдиришда адабиётнинг ўрни каби санъатнинг ўрни ҳам беқиёсдир. Инсонлар қалбига эзгулик уруғини экувчи санъат асарлари қандай бўлмоғи даркор? Бу савол адабиёт, театр ва кинотеатр санъатида доим долзарб муаммо ҳисобланиб келади. Ижод маҳсулида туғилган ҳар қандай образ эзгулик мезонига жавоб бераолса шундагина асар кутилган кутилган натижани олиб келади. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганидек, юксак бадиий чуқур маънавий асарларни яратиш, йиллар давомида йиғилган анъаналар асосида мукамал, классик спектаклларни саҳналаштириш, ёш ва истеъдодли драматурглар, режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялваб вояга етказиш учун эса илдизи минг йилларга бориб тақаладиган театр жанрларининг анъаналарини, мураккаб тараққиёт босқичларини ўқиб, ўрганишимиз зарур.

“Театр – бу ибратхонадур” дея баҳолаган эди илк ўзбек драматурги Махмудхўжа Бехбудий. Спектакль авваламбор пьесадан бошланади. Шундай экан асар ҳам ғоявий, ҳам маърифий етук бўлмоғи ва долзарб мавзу танланиши керак, ана шунда муваффақиятнинг эллик фойизи таъминланади. Қолган эллик фойизини режиссёрнинг дунёқараши ва юксак бадиий маҳорати, ҳамда актёрларнинг ижроси таъминлайди. Демак, гап драматургнинг қобилияти, дунёқараши, маънавияти ҳосиласидадир. Жадид драмалари ва акейинги спектакллар ҳам халқимизнинг турмуш тарзи, ижтимоий – иқтисодий, маданий ҳаёти, урф – одатлари, анъана ва этномаданиятни ўзида мужассам этганлиги билан аҳамиятлидир. Асарлар халқдаги мавжуд иллатларни қоралаб, уларни бартараф этишга ундаш орқали халқни маънавиятга, маърифатга, жамият қорига ярашга ундаши муҳимдир.

Истеъдодли ёзувчи, ўзининг икки қатор жумласига бир инсонни фожеасини, азобини, кечинмаларини бир сўз билан айтганда – ҳаётини жойлаши мумкин. Ана шундай биргина сахна кўриниши минглаб томошабинларнинг қалбига бир умрга эзгулик уруғини экиши, ғаётини ўзгартириши мумкин. Ҳар бир даврнинг ўз долзарб мавзуси, кечинмаси, асосий ғояси бўлади. Тўғри танланган мавзуга сингдирилган бош ғоя драмани ўлмас асарга айлантиради. Воқеалар кетма-кетлиги, сўзамолликка йўл қўймаслик ҳам асосий талаблардандир ва айниқса инсоний туйғуларни ўзида мужассам этиши керак. Ҳар бир режиссёрни илҳомлантирадиган манбаа бу асар, ҳар бир ёзувчи буни чуқур англаб етиши керак. Шундагина асар яшайди. Томошабинни маънавий озиклантиради.

Бизнинг ёш авлод бадиий асарларни кўпроқ ўқиб, асар қаҳрамонларининг яхши ва ёмон тарафларига, унда ёритилган воқеа-ҳодисаларга нисбатан холисона баҳо беришни ўрганса, фикр юритсау шунчалик ҳаётга теран ва холис муносабатда бўлишни ўрганади. Театр санъати кадриятлар йиғиндиси бўлиб ўзининг бой ва ранг-баранг образ ва воқеалари билан шахс такомиллашувида ўта муҳим воситадир. Шарқ халқларида маданият тушунчаси ахлоқий сифатлар билан ўлчанади. Шу сабабдан ҳам фарзанд тарбиясида мана шундай ўлмас туйғуларни биринчи ўринга қўйиш халқимизнинг энг улуғ мақсадидир. Бугунги кунгача мавжуд бўлган ва бундан кейин яратиладиган бадиий асарларимиз, драмаларимиз бош ғояси ана шундай пок инсоний туйғулар, ўзбек маънавиятини, маърифатини улуғловчи асарлар бўлишига ишонамиз. Зеро адабиёт ва санъат халқ қалбининг ифодачисидир.

Биз Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарини ўқир эканмиз унинг моҳияти биз ёшлар учун жуда зарур. Адиб ҳар бир асарида миллатни маърифатли бўлишга чорлар экан бу мавзу ҳозир ҳам ўз долзарблиги билан муҳимдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларнинг билим олиши учун ҳамма шароитларни мукамал яратилиши ҳам биз ёшларни жуда

қувонтиради. Айниқса билимли ёшларни қўллаб-қувватлашлари, рағбатлантиришлари бизни янада кўпроқ билим олиб юртимиз равнақи йўлида ҳалол хизмат қилишимиз учун кучимизга куч қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I.Методологик манбалар, фармонлар, қарорлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони – Тошкент.: 2017, 7 февраль.
- 1.2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. /Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.
- 1.3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги фармони – Тошкент.:1998, 26 март.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори – Тошкент.: 1998, 22 май.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисидаги” фармони – Тошкент.: 2001, 21 май.
- 1.7. Каримов.И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”, - Т.: Маънавият, 2008.
- 1.8. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, - Т.: Ўзбекистон, 2001.

II. Асосий адабиётлар.

- 2.1. Болтабоев Ҳ. “Наср ва услуб” Т.Фан.1982.
- 2.2. Болтабоев Ҳ. “Қатағон қилинган илм” Т.Хазина,1996.
- 2.3.Каримов Н.”Чўлпон” Т.Фан.1992.
- 2.4.Каримов Н.”XXаср ўзбек адабиёти тарихи” Т.Ўқитувчи.1999.
- 2.5.Икромов Ҳ. “Давр ва театр”. Т., Ўзб.миллий энциклопедияси. 2009й.
- 2.6. Исломов Т. “Жаҳон театр тарихи”. Т., 2009й.
- 2.7. Исмоилов Э. “Маннон Уйғур”. Т., Бадиий адабиёт нашр. 1965й.
- 2.8. Маҳмудов Ж. “XX аср режиссураси”. Т., А.Навоий ном. ўзбек миллий кутубхона..2013й.
- 2.9. Маҳмудов Ж. “Саҳна композициясининг алифбоси”. Ўқув қўлланма.Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти.2006й.
- 2.10. Маҳмудов Ж. “Актёрлик маҳорати”. Т., Билим.. 2005й.
- 2.11. Маҳмудова Ҳ. “Актёрлик маҳорати”. Ўқув услубий қўлланма.2008й.
- 2.12. Пўлатов И. “Саҳна нутқи”. Т., Ўқитувчи.нашр. 1994й.
- 2.13. Ризаев Ш. “Жадид драмаси”. Т., Шарқ нашр. 1997й.
- 2.14. Турсунов Т. “Саҳна ва Замон”. Т., Янги аср авлоди. 2007й.
- 2.15. Турсунбоев С. “Театр тарихи”. Т., Билим нашр. 2005й.
- 2.16. Турсунбоев С. “Ўзбек театри сарҳадлари”. Т., Фан ва техника. 2010й.
- 2.17.Шарафиддинов О. “Чўлпонни англаш”Т.Ёзувчи.1994.
- 2.18. Шокиров Ў. “Ўзбек санъаткорлари”. Т., Ғ.Ғулум.ном.нашр. 2010й.
- 2.19. Шокиров Ў. Абдуқундузов М. “Миллий театримиз намояндалари”. Т., Тошкент ислом.унв. 2002й.
- 2.20. Қуронов Д. “Чўлпон поэтикаси”
- 2.21.Қодиров М. “Ҳамза ва ўзбек театри”. Т., Ўз.ССР давлат бадиий адабиёт.нашр.1959й.
- 2.22. Қодиров М. “Сехр ва меҳр”. Т., Ғ.Ғулум.ном.нашр. 1980й.
- 2.23. Қодиров М. “Ўзбек театр анъаналари”. Т., Адабиёт ва санъат нашр.1976й.

2.24. Тўйчиев А. “ХХаср ўзбек насри” Т. Ўқув қўлланма. 2003.

24. Станиславский К.Н “Актёрнинг рол устида ишлаши” Тошкент 1965й.

Ш. Журнал ва газета мақолалари.

3.1. Д.Арипова. Ўзбек санъати ва маданияти таълимнинг долзарб муаммолари. 3-қисм. “Ўқувчилар касбий маданиятини шакллантириш тизимига таъсир этувчи амалий-психологик омиллар”, Тошкент-2017й. 194-б.

3.2. Д.Р.Арипова. “Педагогик қарашларнинг таълим жараёнидаги аҳамияти” Таълим жараёнида илмий-техник ва инновацион тараққиёт муаммолари. Т., 160-б.

3.3. Ҳолиқулова Г. Саҳнада тарихий муҳит тасвири. // Театр. Т., 2003/2.

3.4. Тўлахўжаева М. Режиссура изланишлар йўлида. // Театр. Т., 2008/4.

3.5. Аҳмад С. Армонли ўтмиш санжари. // Театр. Т., 2009/2.

3.6. Ҳасанова У. Актёр ижросидаги бадиий ҳағўйлик масаласи. // Театр. Т., 2014/5-6.

3.7. Исмоилов А. Ёшлар режиссураси. // Театр. Т., 2012/1.

3.8. Орифжонова Г. Жаҳид драмалари ва этномаданият. // Театр. Т., 2013/3.

3.9. Аҳмад С. Ўзбек театр танқидчилигининг илк қадамлари. // Театр. Т., 2014/5-6.

3.10. Ҳолиқулова Г. Саҳна нутқининг шаклланиши ва ривожланиши. // Театр. Т., 2014/5-6.